ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 106 (9.756) 2002 йил 6 сентябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил 24 апрелда қабул қилган "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида"ги 397-1-сонли қарорга ўзгартиш киритиш ҳақида" Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги 321-II-сонли қарорига мувофиқ ҳамда жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини республикада босқичма-босқич жорий этишни таъминлаш мақсадида:

1. 2002-2005 йиллардаги даврда Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялашнинг халқаро меъёрларга мос келадиган тизимини босқичма-босқич жорий этиш юзасидан тайёргарлик чора-тадбирлари мажмуини амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги бир ой муддатда жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этишни таъминлайдиган 2002-2005 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларнинг аниқ дастури ва жадвалини 2003 йил 1 январидан бошлаб олинган даромадлар бўйича ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари, чет эл иқтисодий тузилмалари ва экспертларини жалб этган ҳолда икки ой муддатда "Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритсин.

3. Қуйидагилар белгилансин:

жами даромадни декларациялаш механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида фуқароларнинг конституциявий ва мулкий ҳуқуқлари бузилишига, уларнинг даромадлари ва мол-мулки миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилишига, фуқароларнинг шахсий турмушига аралашишга ҳамда бошқа суиистеъмолчиликлар ва ҳуқуқбузарликларга қатъиян йўл қўйилмайди;

жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мол-мулки билан боғлиқ ахборот ҳамда ҳужжатлардан фойдаланиш тартибини бузишга йўл қўйган мансабдор шахслар жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

4. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳозирги вақтда жисмоний шахслар асосий иш жойидан ташқарида олаётган даромадлар, шунингдек жисмоний шахс томонидан уни якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказмаган ҳолда бир маротабалик операциялар (савдо, иш, хизматлар)ни амалга ошириштан оладиган даромадлари декларация қилиниши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизими жорий этилгунга қадар фуқароларнинг даромадларини ихтиёрий равишда декларациялаш тизимини пухталаштириш бўйича танлаб олиш йўли билан тажриба тариқасида иш олиб бориш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хорижий мамлакатларда жисмоний шахсларнинг даромадларини декларациялаш тажрибасини чуқур ўргансин ҳамда уларни инобатга олган ҳолда декларантлар томонидан ўз даромадлари тўғрисидаги маълумотларни ихтиёрий равишда тақдим этилишини рағбатлантириш механизмини, шунингдек уларнинг жавобгарлик чораларини, жумладан зарур маълумотларни тақдим этмаганлик ва даромадларни атайин яширганлиги учун қонунчиликда кўзда тутилган жазоларни қўллаш чораларини ишлаб чиқсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, фуқароларнинг республика тижорат банкларидаги депозит ҳисоб варақларига қўйиладиган нақд маблағлари декларация қилинмайди ва уларнинг келиб чиқиш манбалари тасдиқланиши талаб этилмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси билан бирга жисмоний шахсларнинг жами даромадларини декларациялаш тизимини жорий этиш мақсадлари ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминласин;

2003 йилнинг 1 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган даромадлар (даромад манбалари) тўғрисидаги декларацияларни ҳамда декларациялаш билан боғлиқ бошқа ахборотни қайта ишлаш Марказини ташкил этиш ва уни декларацияларни қайта ишлаш учун зарур техника билан жиҳозлашни кўзда тутсин;

2003 йилнинг 1 сентябрига қадар солиқ органларига маълумотларни электрон воситалар ёрдамида тақдим этиш ҳамда солиқ назоратини амалга ошириш мақсадида уларга ишлов бериш имконини яратадиган дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва улардан тажриба тариқасида фойдаланишни таъминласин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклатилсин.

9. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 5 сентябрь.

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Соғлиқни сақлаш вазирлигида педиатр шифокорлар иштирокида «Она сутининг бола ривожидаги аҳамияти» мавзуида бўлиб ўтган анжуман халқаро «ЮНИСЕФ» болалар жамғармаси билан ҳамкорликда уюштирилди.

● **ҚАРИЯЛАРНИ** қадрлаш йили муносабати билан Собир Раҳимов туманидаги «Янги Тошкент» маҳалла гузарида маҳалла фаоллари, кексалар иштирокида ўтказилган тадбир «Табаррук онахонлар» деб номланди.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги тиббиёт коллежи ўқувчилари янги ўқув йилини бунёдкорлар томонидан замонавий усулда қурилган янги бинода бошлашди.

● **БЕКТЕМИР** туман ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ташаббускорлигида Красницкий номидаги ўйингоҳда ёшлар иштирокида ўтказилган тадбир келажагимиз ворислари онгига миллий қадриятлар ҳамда урф-одатларни сингдириш масаласига бағишланди.

● **АКМАЛ** Икромов туманидаги истироҳат боғида тумандаги 11 ёшли болажонлар иштирокида туман ҳокимлиги ташаббуси билан бўлиб ўтган шахмат-шашка мусобақалари «Мен истиқлол тенгдошиман» деб номланди.

Матбуот ва халқаро ҳаёт

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Ўзбекистон ва ҳозирги замон халқаро сиёсати» мавзуида икки кунлик амалий семинар бошланди. Анжуманда оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз ташқи сиёсати, дунёда юз бераётган халқаро воқеаларни тўғри, таҳлилий, тезкор ва холисона ёритиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этиляпти.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни амалий ҳаётда жорий қилиш — жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги энг муҳим устувор йўналиш эканини алоҳида таъкидлади.

Айни вақтда жаҳон ахборот ва алоқа тизимига замонавий техника ва технологиялар тобора кенгроқ кириб бормоқда. Мамлакатимиз халқаро глобаллашув жараёнида фаол иштирок этар экан, журналистикамиз ҳам ушбу янгиланишлардан четда қолмаслиги лозим.

Бу галги анжуманда дунёда кечаётган сиёсий жараёнларнинг матбуотимиз саҳифаларида, телевидение ва радиода ёритилиши, сиёсий шарҳловчиларнинг бугунги фаолияти хусусида сўз юритилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев иштирок этди.

(ЎзА)

ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ

Тошкент профессионал теннисчиларни чорлайди

ЭРТАГА шахримиздаги «Юнусобод» теннис клуби кортларида анъанавий халқаро Президент Кубоги мусобақаларининг саралаш беллашувлари бошланади.

Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, ўтган саккизта мусобақа давомида шаҳримизда жуда улкан теннис юлдузлари нуфузли кубокни қўлга киритиш учун қураш олиб борган бўлса-да ғалаба фақат М.Сафин, Н.Кифер, К.Аламий, Т.Хенмен каби маҳоратли спортчиларга насиб этди. Энг кучли теннисчимиз Олег Огородовнинг ҳам жуфтликлар ўртасида швейцариялик Марк Россе билан бирга ғолиб бўлганидан айниқса мухлисларимизнинг кўнгиллари шод. Бир сўз билан айтганда Президент Кубогида қатнашган ҳар бир теннисчи юртимиз меҳмондўстлиги, турнирнинг юқори даражада ташкил этилганлигининг бевосита гувоҳи бўлди. Бу борада жаҳонда теннис мусобақаларини ташкил этиш фаолияти билан шуғулланувчи ва илк турниридан бошлаб Президент Кубогининг бош ташкилотчиларидан ҳисобланувчи швейцариялик тадбиркор Сассон Какшури жамоасининг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Айнан Какшури «команда»синнг саъй-ҳаракатлари ҳамда мамлакат ҳукумати ва шаҳар маъмуриятининг қўллаб-қувватлаши остида Президент Кубоги турнири уч йил қаторасига профессионал теннисчилар ассоциациясининг махсус соврини билан тақдирланди.

Президент Кубоги мусобақалари ўтадиган «Юнусобод» спорт-соғломлаштириш мажмуаси кортлари ҳар доимгидек жиддий ва нуфузли мусобақани қабул қилиш учун тахт.

БУГУН

турнир ташкилотчилари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида Президент Кубоги мусобақаларининг қатнашчилари хусусида маълумот берилди, саралаш мусобақаларига қуръа ташланди.

(Ўз мухбиримиз)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов **кеча** мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Давлат котибининг Европа ва Евроосиё ишлари бўйича ёрдамчиси ўринбосари Линн Паско ҳамда АҚШнинг Марказий Осиё давлатларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиларини қабул қилди. Учрашувда икки томонлама муносабатлар ҳамда минтақавий хавфсизликка оид масалалар муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари давлат ва халқаро ташкилотлари раҳбарларидан самимий дил сўзлари изҳор этилган қутловлар келиши давом этмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Японияннинг Ўзбекистондаги янги тайинланган Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Крейг Мюрей, Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Шарат Сабҳарвал, Исроил Давлатининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Цви Коэн Литант, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ким Сонг Хван, Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Ахтар Туфайл ишонч ёрлиқларини топширишди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония молия вазирининг катта ўринбосари Такайоши Танигучи раҳбарлигидаги делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Рустам Азимов билан учрашди.

● Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг давлат бошқарувчи тизимини демократлаштириш ва сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси 2003-2004 академик йиллар учун таълим дастурлари бўйича Америка ҳукумати томонидан молияланадиган грантларни эълон қилди.

● Бухоро шаҳридаги тарихий Сомонийлар боғида ва Гулистондаги Марказий маданият ва истироҳат боғида анъанавий қовун сайиллари бўлиб ўтди.

● Жорий йилда синов тариқасида Самарқанддаги 9-Мехрибонлик уйида биринчи синф очилди.

● **Бугун** мамлакатимиз пойтахтида ҳаво ўзгариб турди, ёғингарчилик бўлмади. Шимоли-Ғарбдан сониясига 5-10 метр тезликда шамол эсди. Айрим жойларда шамолнинг тезлиги 15-20 метрга етди. Ҳаво ҳарорати кундузи 24-26 даража иссиқ бўлди.

Жаҳонда

● Фаластин Миллий Мухторияти раҳбари Ёсир Арофат Исроил билан зиддиятларни бартараф этиш бўйича Европа Иттифоқининг янги режасини тўла қўллаб-қувватлашини билдирган.

● Исроил Бош вазири Ариэл Шарон Фаластин Мухториятининг юқори мартабали расмий кишиларининг бири билан учрашув ўтказишга рози бўлган.

● Хабар берилганидек, Жанубий Африка Республикасининг Иоханнесбург шаҳрида бўлиб ўтган БМТ саммитининг якуний йиғилишида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва қашшоқликка қарши курашиш борасида янги глобал режа қабул қилинди. Саммит ишида халқаро «Экосан» жамғармаси делегацияси ҳам иштирок этди.

● АҚШ Президенти Жорж Буш 11 сентябрь куни террорчилик содир қилинган жойларга боришни ва шу муносабат билан ўтказиладиган барча маросимларда иштирок этишни режалаштирган. Шу куни кечқурун соат 21.00 да Жорж Буш америкаликларга телевидение орқали мурожаат қилади.

● 11 сентябрь воқеаларининг бир йиллиги «Америка учун энг оғир кун» бўлади. АҚШ маъмурияти ҳузуридаги ички хавфсизлик бошқармаси бошлиғи Том Риж «Ай-би-си» телекомпаниясига берган интервьюсида ана шундай деган. У хусусан, бугун мамлакат террорчилик хуружларига қарши сергак турганликларини қайд этган.

● Австриянинг ўнгчилар Озодлик партияси вакиллари коалицион ҳукуматга кирувчи вакилларининг ундан чиқишларини маълум қилишган.

● Жанубий Корейда ўтган дам олиш кунлари юз берган тўфон оқибатида ҳалок бўлганлар сони 200 кишидан ошиб кетган. Ундан ташқари табиий офат мамлакатга 2 миллиард 435 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар етказди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида" 2002 йил 16 апрелдаги ПФ-3052-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда ўзбек халқининг миллий мусиқий мероси негизида мусиқа санъатини ривожлантириш, сифат жиҳатидан янги мусиқий таълим тизимини яратиш, юқори малакали санъат кадрлари тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқа санъатининг барча йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳамда мазкур таълим соҳаси педагоглари, мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги:

кўп асрлик мусиқий меросимизни, миллий ва жаҳон мусиқа санъати тараққиётини, миллий мусиқа асбобларининг тарихини ўрганиш мақсадида бир ой муддатда Давлат консерваторияси таркибида ихтисослаштирилган Илмий-тадқиқот маркази ва Мусиқа музейи ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Фан ва технологиялар маркази билан биргаликда икки ҳафта муддатда Илмий-тадқиқот маркази ва Мусиқа музейи низомларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

мусиқий таълим муассасаларини замонавий мусиқий ўқув адабиётлари билан таъминлаш, уларни мунтазам чоп этишни йўлга қўйиш мақсадида бир ой муддатда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида ихтисослаштирилган "Мусиқа" нашриёти, босмахона ва овоз ёзиш студияси ташкил этсин;

чет элдаги мусиқа муассасаларида таълим олаётган ва самарали ижодий фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон ижодкор ёшлари вакиллари билан доимий алоқада бўлишни таъминлаш, Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятида уларнинг ижодий салоҳиятидан фойдаланиш, республикада мусиқа анжуманлари ва фестивалларини ўтказиш бўйича тадбирларни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

республика ва хорижий мамлакатларнинг таниқли ижрочилари ва санъат арбобларини, етакчи педагог-мутахассисларини консерваторияда ишлашга таклиф этиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб амалга киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда ўрта махсус маданият ва санъат ўқув юртлари концертмейстерлари ва етакчи концертмейстерлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини бир ой муддатда қайта кўриб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида 125 нафар ўқувчига мўлжалланган Иқтидорли болалар академик лицейи ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан биргаликда Иқтидорли болалар академик лицейини асбоб-анжомлар, чолғу асбоблари, техник воситалар, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-норматив ҳужжатлар билан таъминлашга доир зарур тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан биргаликда:

2002/2003 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат консерваторияси таркибида турли даражадаги педагог кадрлар учун малака ошириш факультети ташкил этсин ва бир ой муддатда унинг ўқув режалари ҳамда дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда кадрлар тайёрлаш миллий модели асосида таълим жараёнининг узлуксизлиги ва изчиллигини ҳисобга олган ҳолда махсус мусиқа мактаблари, мусиқа академик лицейлари ва коллежлари, шунингдек мазкур йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари, шу жумладан Ўзбекистон давлат консерваторияси учун Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб В.Успенский ва Р.Глиэр номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатлари негизида, улар фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитларини сақлаб қолган ҳолда Республика махсус мусиқа академик лицейлари ташкил этилсин. Мусиқий таълимни ва ўқитиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, истисно тариқасида, ушбу академик лицейлар негизида мавжуд бошланғич ва ўрта мактаблар (интернатлар билан бирга) сақлаб қолинсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан биргаликда бир ой муддатда Республика махсус мусиқа академик лицейларини тузилмасини ва низомларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон давлат консерваториясининг ноёб бинолари мажмуи мураккаб муҳандислик коммуникацияларидан зарур даражада фойдаланишни, улар техник ҳолатининг юқори даражада бўлишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида Бинолардан фойдаланиш дирекцияси ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Молия вазирлиги билан келишган ҳолда бир ой муддатда Дирекция тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида ташкил этиладиган Академик лицейга 2002 йилги Давлат бюджетида белгиланган молиявий нормативлар асосида янги ўқув йилидаги жорий харажатлар учун, таълим соҳасида назарда тутилган маблағлар доирасида зарур маблағлар ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги ўқув юртлари учун 2002 йилги Давлат бюджети доирасида назарда тутилган маблағлардан 2002 йилда Давлат консерваториясини чолғу асбоблари, махсус театр жиҳозлари, ёруғлик-овоз кучайтириш аппаратлари, мебеллар, замонавий компьютер техникаси, ўқув-методик адабиётлар ва бошқалар билан таъминлаш, шунингдек чет элдан санъат соҳасидаги юқори малакали мутахассисларни жалб этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун фойдаланишга рухсат этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши Ўзбекистон давлат консерваториясининг Илмий-тадқиқот маркази тадқиқотларининг илмий-методик йўналишларини Давлатнинг фан ва техника дастурлари рўйхатига киритсин ва 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб устувор йўналишлар бўйича Давлат бюджетида фан соҳасига назарда тутилган маблағлар доирасида грантлар ажратсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда унинг ҳузурида ташкил этиладиган Иқтидорли болалар академик лицейи ва Малака ошириш факультети учун ётоқхона биноси ажратиб, унинг реконструкция қилиниши ва жиҳозланишини таъминласин;

Ўзбекистон давлат консерваториясининг эски биносига (Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31-уй) Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа коллежини, шунингдек Республика "Маънавият ва маърифат" марказини жойлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 5 сентябрь.

«Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига

ШАРҲ

Бозор иқтисодиёти ва тадбиркорлик фаолияти эркинлиги тамойиллари амал қилаётган барча иқтисодий тараққий этган мамлакатларда фуқаролар томонидан ўз даромадларини мажбурий декларациялаш амалиёти кенг қўлланилади. Даромадлар тўғрисидаги декларацияни тўлдириш фуқаролар томонидан солиқлар тўлаш чоғида, шунингдек уй, ер майдонлари ва кўчмас мулк, қимматбаҳо қоғозлар ҳамда бошқа қимматли буюмларни харид қилиш билан боғлиқ йирик молиявий битимларни амалга оширишда қатъий шарт ҳисобланади. Хуллас, фуқаролар даромадларининг манбалари ошкоралиги, қонунийлигини тасдиқлаш зарур бўлган жойда декларация талаб қилинади.

Хорижий мамлакатларда мавжуд бўлган декларациялаш тизимининг асосий шарти, бир томондан, ўз даромадлари ва уларнинг манбалари тўғрисида одамларнинг ўзлари ихтиёрий равишда маълумот беришларидир. Иккинчи томондан, декларация, молмулк харид қилишга сарфланган пул маблағларининг манбалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик учун, ўз даромадларини атайин камайтириб кўрсатганлиги ёки уларни яширганлиги учун иқтисодий жазо ва жарималарнинг қонун йўли билан мустаҳкамланган, ҳатто жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган кучли тизими мавжуддир.

Фуқароларнинг даромадларини декларациялаш яширин иқтисодиётга, пул маблағларининг ноқонуний айланишига, коррупция ва порахўрликка ҳамда иқтисодиёт соҳасидаги бошқа жиноятларга қарши курашда таъсирчан воситалардан бири ҳисобланади. Шуни таассуф билан эътироф этиш керакки, бизда коррупция ва ғайриқонуний даромадларга, савдо-воситачилик фаолияти натижасида тушадиган нақд пулларни яширишга қарши қатъий кураш олиб бориш зарурлиги тўғрисида кўп гапириладию, аммо айни вақтда жаҳон амалиётида ҳамма томонидан қабул қилинган механизмни жорий этиш бўйича аниқ-равшан чоралар кўрилмаяпти. Бундай механизм порахўрлик пайини қирқиб, яширин иқтисодиёт учун замин яратаётган, банкдан ташқари пул айланишини таъминлаётган барча манбаларни тугатишга ёрдам берган бўлур эди.

Шуни ҳисобга олиш зарурки, даромадларни декларациялашни жорий этмай, фуқароларнинг ўз даромадлари ва уларни олиш манбалари тўғрисидаги маълумотларни ихтиёрий равишда тақдим этишнинг барқарор тизимини вужудга келтирмасдан, шунингдек ўз даромадлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этишдан бўйин товлаётганларни жазолаш чораларини пухта ишлаб чиқмай туриб коррупция ва яширин иқтисодиётга қарши кураш борасидаги ишларни тасаввур қилиш қийин.

Айни шу боисдан, бундай ишларнинг жами қонун ҳужжатларига, ҳуқуқий меъёрларга таянадиган тараққий этган мамлакатларда таркиб топган тажрибадан келиб чиққан ҳолда бизнинг республикамизда ҳам худди шундай тизим фаоллик билан яратилиши лозим.

Бундан ташқари, бозор муносабатларига ўтиш туфайли аҳоли учун ўз қобилиятларини яна ҳам кенгроқ намоён этиш, ўзини иқтисодиётнинг турли соҳаларида юзага чиқариш ҳамда турли қонуний манбалардан даромад олиш имкониятлари очилади.

Республикада хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, меҳнатга ҳақ тўлашдаги чеклашларни бекор қилиш, корхоналарнинг хўжалик фаолиятига давлат ва назорат идораларининг аралашувини камайтириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг ҳаммаси одамлар учун фаол меҳнат қилиш ва ўз меҳнати билан кўпроқ пул ишлаб топиш имкониятини яратишга қаратилгандир. Шу муносабат билан аҳоли даромадларини ҳисобга олиш, даромадларнинг қонунийлигини ҳамда солиқлар бекаму кўст тўланганлигини назорат қилиш механизмини такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқдаки, бу ҳам даромадларни декларациялаш тизимини жорий этиш зарурлигини тақозо этади.

Айни пайтда, фуқароларнинг шахсий мулкига тажовуз қилиш ёки уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш каби фактларга барҳам бериш мақсадида Фармонда шу нарса белгиланганки, даромадларни декларациялаш механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида фуқароларнинг конституциявий ва молиявий ҳуқуқлари бузилишига, уларнинг даромадлари ва мол-мулки миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилишига, фуқароларнинг хусусий турмушига аралашишга ҳамда бошқа суиистеъмолчиликлар ва ҳуқуқбузарликларга қатъиян йўл қўйилмайди. Мансабдор шахслар жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мол-мулки билан боғлиқ ахборот ҳамда ҳужжатлардан фойдаланиш тартибини бузган ҳолларда улар жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

Шунинг учун даромадларни декларациялаш бутун тизими қонунчиликка асосланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли тузилмалар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда "Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Олий Мажлисга киритилиб топширилди.

Даромадларни декларациялаш тизимини яратиш бўйича чет эл тажрибасини чуқур ўрганишни, аҳолини тегишли тарзда тайёрлашни, зарур қонунчилик ва меъёрий негиз қабул қилинишини, бутун бир ташкилий чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилишини талаб этишини ҳисобга олган ҳолда уни 2002-2005 йилларда босқичма-босқич жорий этишга қарор қилинди.

Шу билан бир вақтда солиқ органларига жисмоний шахсларнинг даромадларини декларациялаш тизими жорий этилгунга қадар фуқароларнинг даромадларини ихтиёрий равишда декларациялаш тизимини пухталаштириш бўйича танлаб олиш йўли билан тажриба тариқасида иш олиб бориш, шунингдек уларнинг жавобгарлик чораларини, жумладан зарур маълумотларни тақдим этмаганлик ва даромадларни жўрттага яширганлик учун қонунчиликда кўзда тутилган жазоларни қўллаш чораларини белгилаш ҳуқуқи берилди.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, ҳозирги вақтда амалдаги қонунчиликка мувофиқ жисмоний шахслар асосий иш жойидан ташқарида олаётган даромадлар, шунингдек жисмоний шахс томонидан уни якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказмаган ҳолда бир маротабалик операциялар (савдо, иш, хизматлар)ни амалга оширишдан оладиган даромадлари декларация қилинмаслиги лозим.

Фармонда кўрсатиб ўтилганидек, фуқароларнинг ўз жамғармаларини банкларга қўйишни рағбатлантириш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини камайтириш чоралари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, фуқароларнинг республика тижорат банкларидаги депозит ҳисоб варақларига қўйиладиган нақд маблағлари декларация қилинмайди ва уларнинг келиб чиқиш манбаларини тасдиқлаш талаб этилмайди.

Солиқ идораларини ахборот билан таъминлашни яхшилаш учун 2003 йилнинг 1 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган даромадлар (даромад манбалари) тўғрисидаги декларацияларни қайта ишлайдиган Марказни ташкил этиш, уни зарур техника билан жиҳозлаш кўзда тутилади.

Республикада жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизими жорий этилиши даромадларни ошкоралаштириш имконини беради, яширин иқтисодиёт йўлига ғов солиб хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яна ҳам қулайроқ шарт-шароитларни яратишга кўмаклашади, цивилизациялашган бозор муносабатларини шакллантиришнинг объектив ва зарур шарти ҳисобланади.

Душанба 9

1 TV

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Узбектелефильм» намойиши: «Усимликлар дунёси», «Она замин неъматлари».
9.20 «Соз сеҳри».
9.40 «Рангин дунё».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.20 «Аёллар тингоси». Бадиий фильм.
11.40 «Ҳунарманд».
12.05 «Талабалик йилларим».
12.25, 15.00 ТВ анонс.
12.30 «Пайсаи бор уй».
12.50 Теннис бўйича «Президент Кубоги» халқаро турнири кундалиги.
13.20 «Шийпондаги учрашувлар». Наманган вилояти Поп тумани дала меҳнаткаштари ҳузурида.
14.10 «Кино оламида».
14.30, 15.55 ТВ клип.
14.40 «Йўл бошида».
15.05 «Ит уяси». Телесериал премьераси.
«Болалар сайёраси».
16.00 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Кироллиқдаги саргузаштлар». Мультсериал.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Ривож».
18.40 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
19.05 «Солиқ ва биз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эрталари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Теннис бўйича «Президент Кубоги» халқаро турнирининг тантанали очилишидан репортаж (ёзиб олинган)
21.35 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!»
21.55 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.25 Ўзбекистон халқ артисти М. Раззоқова қўйлайди.
22.50 «Ахборот-дайжест».
23.10-23.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 Янги авлод студияси: «Катта танаффус».
10.20 «Трям-салом!». Мультфильм.
10.30 Саломатлик сирлари.
10.50 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 «Давр»хафта ичида.
11.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
12.20 Давр-news.
12.40 «Олтин маъбуда». Бадиий фильм.
13.55 Кўҳна оҳанглар.
14.00 «Ҳаҳаг чегараси». Сериал.
14.25 ТВ-анонс.
14.30 «Янги авлод» почтаси, «Савол беринг, жавоб берамиз».
15.00 «Озод элим - ойдин йўлим» кўрик-танлови: Жиззах телерадиокомпанияси тақдим этади.
15.30 «Футболимиз келажаги» маҳалла Республика турнири.
16.00 Мусиқий лаҳзалар.
16.10 Президент Кубоги халқаро теннис турнири.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.30 Президент Кубоги халқаро теннис турнири.
20.00 Кўҳна оҳанглар.
20.10 Янги ўқув йилига.
20.15 Ёшлар овози.
20.35 Ёшлик қўшиқлари.
20.50 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.10, 21.45, 22.35 Эълонлар
21.15 «Эсмералъда». Телесериал.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус лайтида 23.50 Давр.
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

ТТВ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Гиннесшоу».
17.40, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.00 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 28-қисм.
18.30, 20.00, 21.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Камалак».
19.25 «Спорт ва болалар».
19.40 «Риштон мўъжизаси». Ҳужжатли фильм.
19.50 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Мушоҳада».
22.20 «Пойтахт шарҳи».
22.45 Кинонигох. «Театр ҳангомалари».
23.25-23.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

РЖТ 7.00-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10-16.40.
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 «Вести».
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
17.15 «Мени кутгил».
18.20 «Қиссадай енгил бўлинг». М. Евдокимов ҳузурида.
18.50 «Талабаларга биноан тўхташ-2». Сериал.
20.00 «Время».
20.35 «Кулгу хонаси».
21.20 Кинематография. «Тарбиясиз бола». Бадиий фильм.
22.25 «Ахборот» (рус тилида)
23.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

20 КАНАЛ

16.55 гача профилактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Шоу соати.
17.40, 20.35 — «Телеҳамкор».
18.00 «Патриарших муқаддаслиги». Сериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Пилигрим».
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастури.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Энг яхши вақтлар».
23.15 «30-канал»да спорт.

1

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00 Новости
8.15 «Семейные узы». Сериал
9.10 Звезды большого хоккея на «Поле чудес»
10.15 Непутевые заметки с Дм.Крыловым
10.35 Детский сериал «Твинисы»
11.00 Новости
11.15 Джет Ли в боевике «Поцелуй дракона» (2001 г.)
13.00 Многосерийный фильм «Остановка по требованию-2»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.20 «Ералаш»
14.30 Приключенческий фильм «Шельма»
15.50 «Большая стирка» с Андреем Малаховым: Открытие сезона
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 Жди меня
18.20 «С легким паром!» В гостях у Михаила Евдокимова
18.50 Многосерийный фильм «Остановка по требованию-2»
20.00 Время
20.35 Многосерийный фильм «Убойная сила: Предел прочности»
21.40 Игорь Шавлак в детективе «Крутые. Дело N 1: Смертельная схватка». 1-я серия
22.40 Сериал «Убойная служба»
23.00 Ночное «Время»
23.25 «На футболе» с Виктором Гусевым
23.55 Шахматный матч века. Сборная России - Сборная мира

РТР

3.45 - 6.45 «Доброе утро, Россия!».
6.45 Джек Николсон, Гленн Клоуз, Пирс Броснан, Денни Де Вито и Натали Портман в комедии Тима Бертона «Марс атакует!» (США). 1996г.
8.50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9.00 ВЕСТИ.
9.20 «Форт Боярд».
10.20 В «Городке».
10.25 ВЕСТИ НЕДЕЛИ.
11.30 ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
12.00 ВЕСТИ.
12.20 ВЕСТИ-СПОРТ.
12.25 «Что хочет женщина». Ток-шоу с Кларой Новиковой и Еленой Яковлевой.
13.25 «Стань звездой».
14.20 ПРЕМЬЕРА. «Простые истины». Телесериал.
15.00 ВЕСТИ.
15.20 «Вера, надежда, любовь».
16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16.50 ПРЕМЬЕРА. Антонина Венедиктова, Лидия Вележева, Ирина Томская и Николай Добрынин в сериале «Воровка». Счастье напрокат».
17.50 Спокойной ночи, малыши!
18.00 ВЕСТИ.
18.35 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
18.55 ПРЕМЬЕРА. Елена Яковлева, Сергей Никоненко, Сергей Гармаш и Андрей Ильин в детективном сериале «Каменская-2». Фильм 3-й «Мужские игры». 1-я серия.
20.05 ВЕЧЕРНИЙ СЕАНС. ПРЕМЬЕРА. Дмитрий Назаров, Виктор Раков, Нина Усатова, Алика Смехова и Владимир Стеклов в сериале «Закон».
21.20 ВЕСТИ.
21.35 ПРЕМЬЕРА. «Оружие России. Под Андреевским флагом». Документальный сериал.
22.30 «Синемания».

НТВ

5.05 — 7.40 УТРО на НТВ
7.55, 19.45 «ДЕНЬ РОЖДЕНИЯ БУРЖУЯ-2»
9.00, 11.00, 13.00, 15.00, 18.00, 21.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9.25 «НАМЕДНИ»
11.05 КРИМИНАЛ
11.15 Комедия «ДЕЛОВЫЕ ЛЮДИ»
13.05 «КРИМИНАЛЬНАЯ РОССИЯ»
13.35 Детектив «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО»
14.40 «ПРИНЦИП ДОМИНО»
16.05, 21.40 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ»
17.25 «ХРОНИКА ЧЕРНОГО СЕНТЯБРЯ. ДЕЛО № 103.»
18.35, 22.45 Премьера. Детективный сериал «КЛЮЧИ ОТ СМЕРТИ»
23.50 ГОРДОН
24.25 «До встречи!»

ТВ

9.00 «Победоносный голос верующего». Религиозная передача
9.30 Х/ф «ДРУЗЬЯ ПО НЕСЧАСТЬЮ» США.1992
11.30 Х/ф «ПРОЕКТ. АЛЬФ» Германия-США.1996
13.30 Х/ф «МЕЛКИЕ МОШЕННИКИ» США.2000
15.30 Х/ф «АЛЬПИЙСКАЯ БАЛЛАДА» СССР.1965
18.00 Х/ф «БЕЗ ПЕРЕДЫШКИ» США.1986
20.00 Х/ф «ЗАЛОЖНИКИ» Канада.1994
21.00 Х/ф «УДАР ИЗ КОСМОСА» США.2000
24.30 Х/ф «ТРОЙНОЕ ПРЕДАТЕЛЬСТВО» США.1995

REN TV

8.00 «Fox Kids» на REN TV»: «Икс-мен» Мультипликационный сериал (США)
8.30 «Fox Kids» на REN TV: «Пауэр рейнджерс, или Могучие рейнджеры» Телесериал (США)
9.00 «Fox Kids» на REN TV: «Жизнь с Луи» Мультипликационный сериал (США)
9.30 «Fox Kids» на REN TV: «Человек-паук» Мультипликационный сериал (США)
10.00 «Мир спорта глазами «Жиллетт»
10.30 «24» Информационная программа
10.50 «Кино»: Михаил Державин, Михаил Кокшенов, Александр Панкратов-Черный в комедии «Импотент»
12.45 «1/52» Спортивное обозрение
13.30 «Яго, темная страсть» Теленовелла (Аргентина)
14.30 «24» Информационная программа
14.50 «Черный ящик»
15.20 «Убойная сила 3» Телесериал
16.35 «Fox Kids» на REN TV: «Человек-паук» Мультипликационный сериал (США)
17.05 «Fox Kids» на REN TV: «Жизнь с Луи» Мультипликационный сериал (США)
17.35 «Fox Kids» на REN TV: «Пауэр рейнджерс, или Могучие рейнджеры» Телесериал (США)
18.05 «Fox Kids» на REN TV: «Икс-мен» Мультипликационный сериал (США)
18.30 «24» Информационная программа
18.50 «Семейные страсти» Ток-шоу
20.55 «Убойная сила 3» Телесериал
22.05 «Футурама» Мультипликационная серия (США)
22.30 «24» Информационная программа с Ольгой Романовой
23.00 «Кино»: Эд Бегли-мл., Стокард Ченнинг, Дэбни Коулмэн в фантастической комедии «Жуки-мстители» (США)
1.25 Футбольный курьер
2.00 «Нокаут» Новости бокса

ТНТ

66.00 Сериал «ЛЕТО НАШЕЙ ТАЙНЫ». 7-я серия.
7.00 Мультсериал «Фантагира». 11-я серия.
7.30 Мультсериал „Кэнди-Кэнди». 93-я серия.
8.00 Сериал для подростков «ВЕСЕЛАЯ СЕМЕЙКА ТВИСТ». 16-я серия.
8.30 «Удивительные животные». 3-я серия.
9.00 Детектив «ПЕТЛЯ» (СССР, 1983). 1-я серия. Режиссер Олег Гойда. В ролях: Леонид Филатов, Олег Табаков, Игорь Владимиров, Марина Яковлева, Андрей Ростоцкий, Юрий Шлыков, Татьяна Догилева, Владимир Новик.
10.40 Фантастический сериал «ПЕРВАЯ ВОЛНА».
11.45 Мультсериал «Фантагира». 11-я серия.
12.15 Мультсериал «Кэнди-Кэнди». 93-я серия.
12.40 Сериал для подростков «ВЕСЕЛАЯ СЕМЕЙКА ТВИСТ». 16-я серия.
13.15 Мультфильм «Котенок по имени Гав» (выпуск N1).
13.30 Сериал «ЛУС-МАРИЯ». 71-я серия.
14.30 Шоу «О, Счастливчик!»
15.30 «Окна». Ток-шоу с Дмитрием Нагиевым.
16.30 Мелодрама «НАСЛЕДНИЦА ПО ПРЯМОЙ» (1982). Режиссер Сергей Соловьев. В ролях: Таня Ковшова, Татьяна Друбич, Игорь Нефедов, Андрей Юрицын, Александр Збруев, Герман Шорр, Анна Сидоркина, Александр Пороховщиков, Геннадий Корольков, Сергей Плотников, Сергей Шакуров.
19.00 Юмористическая программа «Всегда готовы!»
19.30 «Окна». Ток-шоу с Дмитрием Нагиевым.
20.30 Сегодняшко.
21.30 «Большое кино». Боевик «ПЕРВАЯ КРОВЬ» (США, 1982). Режиссер Тед Кочеф. В ролях: Сильвестр Сталлоне, Ричард Кренна, Брайан Деннехи, Билл МакКиншу, Джек Старретт, Мишель Тальбот, Крис Малкей, Джон МакЛайам, Дэвид Карузо.
23.45 Музыка на ТНТ.
0.00 Развлекательное шоу «Империя страсти».
0.55 «Окна». Ток-шоу с Дмитрием Нагиевым.
1.55 Сегодняшко.
2.55 Сериал «ЛУС-МАРИЯ». 71-я серия.
3.50 Шоу «О, Счастливчик!»

ТВЦ

Профилактика на канале с 7.00 до 19.00
19.00 События. Время московское.
19.15 Суперхоккей СССР - Канада. 30 лет спустя.
20.00 «МОЯ ДОРОГАЯ ИЗАБЕЛЬ». Телесериал (Мексика).
20.50 Пять минут деловой Москвы.
21.05 «БЕЗОТЦОВЩИНА». Художественный фильм.
23.00 События. Время московское.
23.45 Времечко.
24.15 «ПРОФЕССИОНАЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ». Телесериал (Франция).
1.10 25-й час. События. Время московское.
1.30 Петровка, 38.
1.50 Мир вокруг нас.

Сешанба 10

1 TV

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Дўппи».
9.10 «Соғлом она - соғлом бола».
9.30 «Кэмалак». Болалар учун кинодастур.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Химмат».
10.20 «Чинор остидаги дуэль». Бадиий фильм.
11.25 «Чегарачи».
11.45 Мусиқий танаффус.
12.05 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
13.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Замонамиз қаҳрамонлари». «Пойдевор». Видеофильм. 3-қисм.
14.10 «Талабалик йилларим».
14.30 Кундузги сеанс: «Қайсарнинг қуолиши». Бадиий фильм.
16.00 ТВ клип.
16.10 «Шу азиз Ватан барчамизники».
Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
16.30 «Қўшиним - жон қўшиним».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Инсон ва қонун».
18.50 «Олтин мерос».
19.05 «Тараққиёт йўли».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эрталари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Шу азиз Ватан барчамизники».
21.25 Бир жуфт қўшиқ.
21.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Замонамиз қаҳрамонлари» «Пойдевор». Видеофильм премьераси. 4-қисм.
22.30 «Сарҳад билмас дўстлик».
22.50 «Олам футболи».
23.10 «Ахборот - дайжест.
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод»-почтаси, «Савол беринг, жавоб берамиз».
9.45 «Мультгомоша».
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.10 «Эсмералъда». Телесериал.
10.40 Ёшлар овози.
11.00 Жаҳон жутроғияси.
11.50 Саломат бўлинг. Тўғри овқатланиш. 1-кўрсатув.
12.10 Интерфутбол.
13.50 Кўли гул уста.
14.10 «Мио, болагинам Мио». Бадиий фильм.
15.45 Кўҳна оҳанглар.
15.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
16.45 ТВ-анонс.
16.50 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «Билагон маслаҳати».
17.20 «Жонсарак». Мультфильм.
17.45 «Ҳика гилами». Телефильм.
17.55 Янги ўқув йилига.
18.00 Ёшлар овози.
18.20 Ватан манзаралари.
18.40 Оқшом наволари.
18.50 Президент Кубоги халқаро теннис турнирининг очилиш маросими.
19.25, 21.55 Иклим.
19.30 Давр.
20.00 Президент Кубоги халқаро теннис турнири.
20.50 Мусиқий лаҳзалар.
21.10, 21.45, 22.35 Эълонлар
21.15 «Эсмералъда». Телесериал.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Нокаут.
23.30 Давр.
23.45 «Ҳаҳаг чегараси». Сериал.
00.10 - 00.15 «Хайрли тун!»

ТТВ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Гиннес-шоу».
17.40, 19.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.00 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 29-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Аёл қалби».
19.30 «Сўз ва соз оҳанглари». Ўзбекистон халқ ҳофизи М. Каримов.
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Туризм ҳақида».
22.45 Кинонигох. «Куз афсоналари».
00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

РЖТ 7.00-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10-16.40
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 «Вести».
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
17.15 «Оғиқий рақслар». Сериал.
18.20 «Хазил кетидан хазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.50 «Талабаларга биноан тўхташ-2». Сериал.
20.00 «Время».
20.35 «Мусиқий серпантин».
21.10 Кинематография. «Чорасиз севги». Бадиий фильм.
22.40 «Ахборот» (рус тилида)
23.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

20 КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телеҳамкор».
9.30, 14.10 — Болалар соати.
10.15 «Ботирлар». Сериал.
10.40 «Жанговар санъат олами». Спорт дастури.
11.10. «Иблис боласи» Телесериал.
12.00 «Д'Артаньян ва уч мушкетёр". 1-серия.
13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Сериал.
15.00 Кундузги кинозал: «Магдалананинг сокин эҳтирослари». Сериал.
15.50 "30"да спорт".
17.00 Шоу соати.
18.00 «Патриарших муқаддаслиги». Сериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: "Калта юбкадаги агент".
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Иаков зинаси».
23.15 "Тез ёрдам". Сериал.

1

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00 Новости
8.15 Жди меня (с сурдопереводом)
9.15 Премьера сериала «Дочь Магараджи»
10.15 Что да как
10.35 Дисней-клуб: «Переменка»
11.00 Новости
11.15 Возвращение Коломбо. Детектив «Последний салют командору»
13.00 Многосерийный фильм «Остановка по требованию-2»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.20 Документальный сериал «Дикие штучки»
14.45 Многосерийный фильм «Убойная сила: Предел прочности»
15.50 «Большая стирка» с Андреем Малаховым
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 «Семейные узы». Сериал
18.20 «Шутка за шуткой». Юмористическая программа
18.50 Многосерийный фильм «Остановка по требованию-2»
20.00 Время
20.35 Многосерийный фильм «Убойная сила: Предел прочности»
21.40 Игорь Шавлак в детективе «Крутые. Дело N 1: Смертельная схватка». 2-я серия
22.40 Сериал «Убойная служба»
23.00 Ночное «Время»
23.35 Сериал «Операция «Свобода»
24.20 Шахматный матч века. Сборная России - Сборная мира

РТР

3.45 - 6.45 «Доброе утро, Россия!».
6.45 Елена Яковлева, Сергей Никоненко, Сергей Гармаш и Андрей Ильин в детективном сериале «Каменская-2». Фильм 3-й «Мужские игры». 1-я серия.
7.50 «Два рояля». Музыкально-развлекательная программа
8.50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9.00 ВЕСТИ.
9.20 Дмитрий Назаров, Виктор Раков, Нина Усатова, Алика Смехова и Владимир Стеклов в сериале «Закон».
10.25 ПРЕМЬЕРА. Ток-шоу «Цена успеха».
11.30 «Колоссальное хозяйство».
11.45 ВЕСТИ-МОСКВА.
12.00 ВЕСТИ.
12.20 ВЕСТИ-СПОРТ.
12.25 «Что хочет женщина». Ток-шоу с Кларой Новиковой и Еленой Яковлевой.
13.25 ПРЕМЬЕРА. Наталья Орейро в телесериале «Дикий ангел. Возвращение» (Аргентина).
14.20 ПРЕМЬЕРА. «Простые истины». Телесериал.
15.00 ВЕСТИ.
15.20 «Оружие России. Под Андреевским флагом». Документальный сериал.
16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16.50 ПРЕМЬЕРА. Антонина Венедиктова, Лидия Вележева, Ирина Томская и Николай Добрынин в сериале «Воровка. Счастье напрокат».
17.50 Спокойной ночи, малыши!
18.00 ВЕСТИ.
18.35 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
18.55 ПРЕМЬЕРА. Елена Яковлева, Сергей Никоненко, Сергей Гармаш и Андрей Ильин в детективном сериале «Каменская-2». Фильм 3-й «Мужские игры». 2-я серия.
20.05 ВЕЧЕРНИЙ СЕАНС. ПРЕМЬЕРА. Дмитрий Назаров, Виктор Раков, Нина Усатова, Алика Смехова и Владимир Стеклов в сериале «Закон».
21.20 ВЕСТИ.
21.35 К годовщине теракта в Америке. ПРЕМЬЕРА. «Закрытое небо». Документальный фильм (ВВС).
22.30 ПОСЛЕДНИЙ СЕАНС. ПРЕМЬЕРА. Остросюжетный фильм «Воздушные террористы» (США). 2001г.

НТВ

5.05 — 7.40 УТРО на НТВ
7.55, 19.45 «ДЕНЬ РОЖДЕНИЯ БУРЖУЯ-2»
9.00, 10.00, 11.00, 13.00, 15.00, 18.00, 21.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9.25 ОЧНАЯ СТАВКА.
10.05 «ВНИМАНИЕ РОЗЫСК!»
11.05 Детектив «ГОРЯЧАЯ НОВОСТЬ»
13.05 «КРИМИНАЛЬНАЯ РОССИЯ»
13.35 Детектив «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО»
14.40 «ПРИНЦИП ДОМИНО»
16.05, 21.40 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ»
17.20 Премьера. Документальная драма «ПРЕСТУПЛЕНИЕ И НАКАЗАНИЕ»
18.35, 22.45 Детективный сериал «КЛЮЧИ ОТ СМЕРТИ»
23.45 ГОРДОН

ТВ

9.00 «Победоносный голос верующего». Религиозная передача
9.30 Х/ф «АЛЬПИЙСКАЯ БАЛЛАДА» СССР.1965
11.30 Х/ф «БЕЗ ПЕРЕДЫШКИ» США.1986
13.30 Х/ф «ЗАЛОЖНИКИ» Канада.1994
15.30 Х/ф «ТРОЙНОЕ ПРЕДАТЕЛЬСТВО» США.1995
18.00 Х/ф «ДЖЕЙН И ПОТЕРЯННЫЙ ГОРОД» США-Великобритания.1987
20.00 Х/ф «ЗАЛОЖНИКИ 2» Чехия-Канада.1996
22.00 Х/ф «ПАДЕНИЕ СОКОЛА» США.2000
24.00 Программа «Модная тема»
24.30 Х/ф «УДАР ИЗ КОСМОСА» США.2000

REN TV

8.00 «Fox Kids» на REN TV.«Икс-мен» Мультипликационный сериал (США)
8.30 «Fox Kids» на REN TV: «Пауэр рейнджерс, или Могучие рейнджеры» Телесериал (США)
9.00 «Fox Kids» на REN TV: «Жизнь с Луи» Мультипликационный сериал (США)
9.30 «Fox Kids» на REN-TV: «Человек-паук» Мультипликационный сериал (США)
10.00 «Под углом 23 с половиной» Документальный фильм (США)
10.30 «24» Информационная программа
10.50 «Кино»: Эд Бегли-мл., Стокард Чённинг, Дэбни Коулмэн в фантастической комедии «Жуки-мстители» (США)
13.30 «Яго, темная страсть» Теленовелла (Аргентина)
14.30 «24» Информационная программа
14.50 «Такая профессия»
15.20 «Убойная сила 3» Телесериал
16.35 «Fox Kids» на REN TV: «Человек-паук» Мультипликационный сериал (США)
17.05 «Fox Kids» на REN TV: «Жизнь с Луи» Мультипликационный сериал (США)
17.35 «Fox Kids» на REN TV: «Пауэр рейнджерс, или Могучие рейнджеры» Телесериал (США)
18.05 «Fox Kids» на REN TV: «Икс-мен» Мультипликационный сериал (США)
18.30 «24» Информационная программа
18.50 «Семейные страсти» Ток-шоу
20.55 «Убойная сила 3» Телесериал
22.05 «Футурама» Мультипликационная серия (США)
22.30 «24» Информационная программа с Ольгой Романовой
23.00 «Кино»: Шерон Стоун в триллере «Ножницы» (США)
1.40 «Иллюзион»: Грета Гарбо в драме «Анна Каренина» (США)

ТНТ

6.00 Сериал «ЛЕТО НАШЕЙ ТАЙНЫ». 8-я серия
7.00 Мультсериал «Фантагира». 12-я серия.
7.30 Мультсериал «Кэнди-Кэнди». 94-я серия.
8.00 Сериал для подростков «ВЕСЕЛАЯ СЕМЕЙКА ТВИСТ». 17-я серия.
8.30 «Удивительные животные». 4-я серия.
9.00 Детектив «ПЕТЛЯ» (1983). 2-я серия.
10.40 Фантастический сериал «ПЕРВАЯ ВОЛНА».
11.45 Мультсериал «Фантагира». 12-я серия.
12.15 Мультсериал «Кэнди-Кэнди». 94-я серия.
12.40 Сериал для подростков «ВЕСЕЛАЯ СЕМЕЙКА ТВИСТ». 17-я серия.
13.15 Мультфильм «Котенок по имени Гав» (выпуск □2).
13.30 Сериал «ЛУС-МАРИЯ». 72-я серия.
14.30 Шоу «О, Счастливчик!»
15.30 «Окна». Ток-шоу с Дмитрием Нагиевым.
16.30 Боевик «ПЕРВАЯ КРОВЬ» (США, 1982).
19.00 Юмористическая программа «Филимонов и компания».
19.30 «Окна». Ток-шоу с Дмитрием Нагиевым.
20.30 Сегодняшко.
14.50 ТВ-1 кинотеатри: «Ширин орзулар». Бадиий фильм.
16.40 «Бархаёт наволари». «Болалар сайёраси»:
17.05 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин. 2. «Санъат ғунчалари».
18.05 «Талабалик йилларим».
18.25 «Тўртинчи ҳокимият».
18.45 «Ок олтин». Телелотерея.
19.15 Бир жуфт қўшиқ.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга».
«Якшанба кинозали»:
21.40 «Кино оламида».
22.00 «Титаник». Бадиий фильм. 1-2 қисмлар.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Jeksvall

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
9.20 «Сузишни истайман». Мультфильм.
9.45 Футбол плюс.
10.05 Очил дастурхон.
10.20 Мусиқий лаҳзалар.
10.35 Нокаут.
11.00 Аскар мактублари.
11.20 Чемпион сирлари.
11.40 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Севара Назархон қўйилади.
12.20 «Баракали умр». Бадиий фильм.
13.50 Қишлоқдаги тенгдошим.
14.10 Кўҳна оҳанглар.
14.25 «Экспедиция». Ҳужжатли серил.
15.15 Спорт хафтаномаси.
15.30 «Рамазон». Телесериал.
16.05 Очун.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» студияси: «Ўй вазифаси».
16.55 Болалар клуби.
17.15 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.05 Оҳанрабо.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр-news.
19.15 ТВ-анонс.
19.20 Аёл қалби наволари.
19.35, 20.30, 22.30 Эълонлар
19.40 «Скарлетт». Кўп қисмли бадиий фильм. 4-қисм.
20.35 «Заковат» интеллектуал ўйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» хафта ичида.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Озодлик нашидаси». Бадиий фильм.
00.15 - 00.20 «Хайрли тун!»

ТВ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Болажонлар экрани». «Золушка» учун уч ёнғоқ».
18.55, 20.40, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «Жаҳон географияси».
20.00 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.00 «Пойтахт шарҳи».
21.20 «Телефакт».
21.30 «Ҳамшаҳарлар».
21.50 «Ташриф».
22.30 «Спорт-клуб».
22.50 Кинонтоқ, «Йўлдаги ноёпоқ».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.10 Куткарувчилар. Тезкор ёрдам.
10.40 «Қайфият». Информациондам олиш дастури.
11.40 «Мультсеанс».
12.00 «Билишни истайман».
12.20 «Парле ву франсе?»
12.45 «Олтин микрофон».
13.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
13.55 «FCN». Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
14.05-15.05 «Дўстлик» видеоканали: «Дидар», «Маврид», «Ўзбекистон-умумий ўйинлиги».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бинафша».
17.30 СЯ тақдим этади: «Бешинчи ўтнов».
17.55 Юрмаладаги «КиВиН-2002» халқаро фестивали.
20.35 «Мюзик-холл».
21.05 «Тенгдошлар».
21.35 «Кинопрофи».
21.55 Кинематограф. «Кемадаги ўй». Бадиий фильм.
23.40 «Таҳлилнома».
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!

30 КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 11.30, 17.45, 20.35 "Телеҳамкор".
9.30 "Сув ариси". Мельтсериал.
10.00 Фильм - болаларга.
12.00 Оилавий кино. "Шаҳзода ва камбағал".
13.40 "Баффи". Сериал.
14.30 Кундузги кинозал. "Рус министри учун испан актрисаси"
16.10 "30-канал"да қизиқарли учрашувлар.
17.00 "Ўз ўйини". Телеўйин.
18.10 "30-канал" кинооқшоми; "Детективлар-2".
19.50 «Ошиқне». Мусиқий дастур.
20.00 "Агентлик". Сериал.
21.00 "Киноёв ўзгартирувчининг изи». Сериал.
21.55 Якшанба кинооқшоми: «Хиндихитой».
00.30 Спорт шарҳи.

1

5.15 Юрий Толубеев, Ефим Копелян в остросюжетном фильме «Авария»
7.00 Новости
7.10 Служу России!
7.40 Дисней-клуб: «Тимон и Пумба»
8.05 «Ералаш»
8.10 «Дог-шоу»
9.00 Новости
9.10 Непутевые заметки с Дм.Крыловым
9.30 Пока все дома
10:05 «Ералаш»
10:10 «Дог-шоу»
10.40 Александр Абдулов, Александр Кайдановский в приключенческом фильме «Золотая речка»
12.35 Дисней-клуб: «Микки Маус и его друзья»
13.00 Новости (с субтитрами)
13.10 Живая природа. «Десять смертельных акул». Часть 1-я
14.10 «Знатоки» возвращаются. Детектив «Из жизни фруктов». Дело N 16. 2-я серия
15.40 Большая любовь маленького гиганта в комедии «Муравей Антц»
17.00 Времена
17.55 Международный фестиваль команд КВН в Юрмале «Голосящий КиВиН - 2002»
20.35 Премьера. Сильвестр Сталлоне, Микки Рурк в боевике «Убрать Картера» (2001 год)
22.30 «На футболе» с Виктором Гусевым
23.00 Ночной триллер «Темная гавань»

РТР

4.35 ПРЕМЬЕРА. «Багз Банни. кролики сказки тысячи и одной ночи». Мультфильм (США). 1982г.
5.45 ПРЕМЬЕРА. «Дракоша и компания». Детский сериал.
6.10 «Русское лото».
7.00 Всероссийская лотерея «ТВ Бинго шоу».
7.35 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ
8.15 «Америка. год спустя. Сила против террора».
8.50 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
9.25 Василий Лановой, Георгий Юматов и Евгений Герасимов в остросюжетном фильме «Огарева, 6». 1980г.
11.10 «Парламентский час».
12.00 ВЕСТИ
12.20 «Вокруг света».
13.15 «Диалоги о животных».
14.05 «Два рояля». Музыкально-развлекательная программа.
15.05 «Комната смеха».
16.00 Билл Мюррей, Дэн Эйкройд и Сигурни Уивер в комедии «Охотники за привидениями» (США). 1984г.
17.50 «В «Городке».
18.00 ВЕСТИ НЕДЕЛИ.
19.10 «Специальный корреспондент». Авторская программа Александра Хабарова «Нелегал. RU».
19.40 Алла Пугачева и Филипп Киркоров в бенефисе Бедроса Киркорова «Юбилей в кругу семьи».
23.00 Чемпионат мира по автогонкам в классе «Формула-1». Гран-при Италии. Трансляция из Монцы.

НТВ

5.50 Фильм. «ГОЛУБОЕ ДЕРЕВО» 6.30 STAR СТАРТ!.
7.00, 9.00, 11.00, 12.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00 «Сегодня»
7.05 Фильм. «ЛЕТЧИКИ»
8.20 «БЕЗ РЕЦЕПТА».
9.05 «Шоу Елены Степаненко».
10.05 «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ»
10.40 «ВЫ БУДЕТЕ СМЕЯТЬСЯ».
11.05 «ПРОФЕССИЯ -РЕПОРТЕР».
11.25 «СЛУЖБА СПАСЕНИЯ»
12.05 Детектив «ТАЙНА ЗАПИСНОЙ КНИЖКИ»
13.45 ВКУСНЫЕ ИСТОРИИ
14.05 СВОЯ ИГРА
15.20 «ПРИНЦИП ДОМИНО»
17.05 «КОМАНДАНТЕ ЧЕ ГЕВАРА». Фильм В. Малчанова
17.55 Комедия «СВАДЕБНЫЙ ПЕРЕПОЛОХ»
20.00 «НАМЕДНИ»
21.30 Детектив «БОЛЬШОЙ КАЙФ»
23.40 Сериал «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА»
24.30 ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ
24.55 «ПЕПСИ-ЧАРТ»
1.35 «До встречи!»

ТВ

9.00 «Жизнь в слове». Религиозная передача
9.30 Х/ф «ЛОРД ДРАКОН» Гонконг.1982
11.30 Х/ф «ХОЗЯЙКА ОЗЕРА» Канада.1998
13.15 Программа «Формула Здоровья»
13.30 Х/ф «ПОСЛЕДНЯЯ СДЕЛКА» США.1995
15.30 Х/ф «ОТМЩЕНИЕ» США.1997
18.00 Х/ф «НЕПРИЛИЧНЫЕ РАЗГОВОРЫ» Великобритания.1999
20:00 Х/ф «ЛЮБИМАЯ ТЕЩА» Франция.1999
22.00 Х/ф «ВОЛШЕБНЫЕ ПУЗЫРИ» США.1992
24.00 Программа «Почитатели книг»
24.30 Х/ф «ВОСКОВАЯ МАСКА» Италия.1997

ВЕНТУ

6.45 Музыкальный канал
9.15 «В гостях у Тофика»
9.30 «Fox Kids» на REN TV: «Секретные материалы пожвшпионов» Мультипликационный сериал (США)
10.00 «Fox Kids» на REN TV: «Ферма чудища» Мультипликационный сериал (США)
10.30 «Fox Kids» на REN TV: «Русалочка» Мультипликационный сериал (США)
11.00 «Симпсоны» Мультипликационная серия (США)
12.00 «Канал истории». «Игрушки» Документальный фильм (США)
13.00 «24 часа» Телесериал (США)
14.00 «Военная тайна»
14.30 «24» Информационная программа
14.50 Лотерея АвтоВАЗа
15.00 «Кино»: криминальная комедия Юлиуша Махульского «Ва-банк 2» (Польша)
16.55 «Очевидец» с Иваном Усачевым
17.25 «Вовочка» Комедийный сериал
18.00 «Fox Kids» на REN TV: «Непобедимый Спайдермен» Мультипликационный сериал (США)
18.30 «Fox Kids» на REN TV: «Вуншпунш» Мультипликационный сериал (США)
19.00 «Семейное кино из коллекции «Hallmark»: «Посадка невозможна» (США)
20.30 «Кино»: Виктор Проскурин, Кирилл Лавров, Станислав Любшин в сатирической комедии «Шкура»
22.10 «Кино»: Эндрю Дивофф, Тэмми Лорин, Роберт Инглунд в фильме ужасов «Исполнитель желаний» (США)
24.10 «24» Информационная программа
24.30 «Ее звали Никита» Телесериал (США)
1.30 Ночной музыкальный канал

ТНТ

7.00 Фантастический сериал «ПЕРВАЯ ВОЛНА».
8.00 Драма «ПРАВДА ЛЕЙТЕНАНТА КЛИМОВА» (СССР, 1981). Режиссер Олег Дашкевич. В ролях: Андрей Ростоцкий, Юрий Каморный, Павел Иванов, Петр Шелохонов, Игорь Добряков, Елена Кондулайнен, Валерий Доронин, Андрей Рахманов, Александр Липов, Борис Химичев, Ирина Гусева, Маргарита Матвеева, Василий Петренко, Анатолий Горин.
9.35 Познавательная программа «Осколки времени».
10.00 «Путешествия с Национальным Географическим Обществом». Документальный сериал.
11.15 «Час Дискавери».
12.30 Церемония награждения победителей конкурса «ТЭФИ-Регион» (г. Новосибирск).
13.30 Телеигра «Пойми меня».
14.00 Шоу «О, Счастливчик!»
15.00 Мистический триллер «ПРИЗРАК ХЕЛЕН УОЛКЕР» (Великобритания, 1995). Режиссер Том МакЛаухлин. В ролях: Валери Бертинелли, Диана Рит, Флоренс Хоуф, Алед Робертс.
17.30 Детективный сериал «ДИАГНОЗ: УБИЙСТВО». 8-я серия.
18.30 «Большая терка». Юмористическая программа.
19.30 «Окна». Ток-шоу с Дмитрием Нагиевым.
20.30 Титаны рестлинга на ТНТ.
21.30 Мелодрама «ВОКЗАЛ ДЛЯ ДВОИХ» (СССР, 1982). 2-я серия.
23.10 Комедия «НАСТОЯЩАЯ МАГИЯ» (Великобритания - США - Франция, 1995). Режиссер Клер Пеплу. В ролях: Бриджет Фонда, Рассел Кроу, Джим Бродбент, Д.У. Моффетт, Кеннет Марс, Пол Родригес.
1.35 Титаны рестлинга на ТНТ.
2.35 Детективный сериал «ДИАГНОЗ: УБИЙСТВО». 8-я серия.

ТВЦ

8.30 «Москва на все времена». Документальный сериал.
9.00 «Отчего, почему?» Программа для детей.
10.00 «Чудесный сад», «Янтарный замок». Мультфильмы.
10.45 Музыкальная программа «Полевая почта».
11.15 Наш сад.
11.35 Лакомый кусочек.
12.00 Московская неделя.
12.25 Звезда автостразы.
12.45 «ДЕЖА ВЮ». Художественный фильм.
15.00 События. Время московское.
15.15 Все о здоровье в программе «21 кабинет».
15.45 Елена Проклова в программе «Приглашает Борис Ноткин».
16.25 «Наше трофейное кино». Вячеслав Шалевич о фильме «Сказки Ханхэттена».
16.50 «Лисичка со скалкой», «Мой друг Мартын». Мультфильмы.
17.15 «ЧИСТО АНГЛИЙСКОЕ УБИЙСТВО». Телесериал (Великобритания).
19.15 Великая иллюзия.
19.55 Всемирные конные игры. Передача из Испании.
21.00 «Момент истины». Авторская программа А.Караулова.
21.55 Прогноз погоды.
22.05 Премьера ТВЦ. «НЕ ПОКИДАЙ МЕНЯ, ЛЮБОВЬ!» Художественный фильм. 3-я и 4-я серии.
24.15 События. Время московское.
24.25 Спортивный экспресс.
1.00 Сенсации и не только в программе «Деликатесы».
1.30 Чемпионат мира по мотокроссу. Гран-При России.

ЎЗБЕК ФУТБОЛИ — 90 ЁШДА

«Бунёдкор»да қўш тадбир

Маълумки, «Бунёдкор» телеклубида кейинги пайтларда ёшларимизнинг маънавий-маърифий онгини оширишга йўналтирилган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Бир сўз билан айтганда «Бунёдкор» телеклуби қисқа вақт ичида ёшларимизни ўзига оҳанграбо каби тортувчи севимли масканга айланди.

ЎТГАН КУНИ телеклубда ўзбек футболининг 90 йиллигига бағишланган қўш тадбир бўлиб ўтди.

Заҳирадаги зобит Виталий Шчербак кейинги йилларда рангтасвир асарларини ишлашга муҳаббат қўйди ва ушбу соҳа унинг ҳаёт йўлига айланди. У ёшларнинг бир қатор ахборот-бадиий кўргазмаларининг муаллифи, халқаро Сорос жамғармасининг стипендиатидир. Шчербакнинг «модерн» усулида ишлаган бир қатор суратлари ҳозирда хориждаги шахсий тўпламларни безаб турибди.

Виталий Шчербак футболга ҳам яқин инсон. Унинг икки ўғли юртимизнинг ўсмирлар жамоаларида тўп сурмоқда.

«Бунёдкор» телеклубида Шчербакнинг футбол мавзусида ишлаган 12 та асарининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Бу футбол мавзусига бағишлаб республикамизда бундай миқёсда ўтказилаётган илк кўргазма эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Тақдимот маросимида йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар экан Шчербак рангтасвир асарларини яқинда Япония ва Жанубий Корейда якунланган жаҳон чемпионати ҳамда миллий чемпионатимиз ўйинларидан руҳланиб ишлаганлигини қайд этди. Ўзининг келгусидаги режалари хусусида тўхталиб ўтди.

Тез орада иқтидорли мўйқалам устасининг ўзига хос асарлари Осиё футбол конфедерацияси раҳбарлари ва ушбу қитъадаги миллий федерациялар вакилларига намойиш этилди.

Иккинчи тадбир эса ўзбек футболи юлдузи машҳур Абдураимовлар сулоласининг вакили Азамат Абдураимовнинг хайрлашув учрашувини ўтказишга бағишланди. Маълумки, Ўзбекистон, Россия, Бангладеш, Малайзия, Саудия Арабистони каби бешта мамлакат клубларида тўп суриб икки юздан ортиқ гол урган, кўплаб совринларни қўлга киритган, 1994 йилги Осиё ўйинлари ғолиби Азамат Абдураимовнинг ўзбек футболи ривожида ўз ўрни бор.

Матбуот анжуманида қатнашган Ўзбекистон Футбол федерациясининг техник директори, ФИФА йўриқчиси Рустам Акромов, Азаматнинг отаси — юртимиз футболи тарихидаги энг кучли ўйинчилардан бири Биродар Абдураимов журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтаришди. Азамат эса футболдаги ҳаёт йўли тўғрисида сўзлади.

Табиийки, асосий эътибор шу йил 18 сентябрда «Пахтакор» стадионида ўтказиладиган Азамат Абдураимовнинг хайрлашув ўйинига қаратилди. Ўйлаймизки, «Пахтакор» ҳамда 1994 йили Осиё ўйинларининг ғолиби бўлган Ўзбекистон терма жамоаси фахрийлари ўртасидаги ўйин ишқибозларда катта қизиқиш уйғотади. Унда Россиядан А.Пятницкий, Тожикистондан М.Муҳаммадиевлар ҳам қатнашиш истагини билдиришди. Ўзбек эстрадаси юлдузларининг чиқишлари, турли шоу-танловлар эса тадбирга ўзгача файз киритиши шубҳасиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ

«Тошиссиқликмаркази» очиқ акционерлик жамияти, «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси ва «Тошиссиқликэнергияси» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби марказий иссиқлик манбаларини 2002-2003 йилги ситиш мавсумига тайёрлаш ва профилактика ишларини амалга ошириш муносабати билан қуйидаги иссиқлик марказларини режали равишда фаолиятини тўла тўхтатиш кўзда тутилмоқда:

«Шимолий-Шарқ» 1-иссиқлик маркази (ИМ) — 16 сентябрдан 20 сентябргача;

«ТошГРЭС» шаҳарчаси, Ф.Хўжаев, Ж.Обидова, Раҳматуллин, Буюк Ипак йўли, Сайрам, Мўминов, Полковник Мухитдинов, Эргашев, Оққўрғон, Пушкин кўчалари.

«Қорасув» 2-ИМ — 23 сентябрдан 27 сентябргача;

Ҳумоюн, Қорасув-1, 2, 3, 4, 6, Бўз-2 (Черданцев 2), Феруза турар жой даҳалари ҳудуди, Геофизиклар шаҳарчаси, Қодиров, Т.Малик, А,Матқобулов, академик Абдуллаев кўчалари.

«Ғарбий 3-ИМ» — 23 сентябрдан 27 сентябргача;

Чорсу, Бешёғоч, Олмазор, Қоратош, Беруний, Ўрда, Лабзак, Хадра, Гулобод, Боғкўча турар жой даҳалари ҳудуди, Навоий, Халқлар Дўстлиги, Абай шоҳкўчалари, Ўзбекистон, Беруний, Генерал Узоқов, Ниёзов кўчалари.

«Шимолий» 4-ИМ — 9 сентябрдан 13 сентябргача;

Юнусобод даҳаси, 1-19 мавзелар, А.Темур, Каймаков, А.Дониш, Муродов кўчалари, Лабзак, Себзор, Жанггох, Қиёт, Минор, Тахтапул турар жой даҳалари ҳудуди, Абай, А.Қодирий шох кўчалари, Бобожонов, Абдурахмонов, Хуршид, Шамсутдинов, А.Ҳидоятов, Ҳасанов, А.Темур, F.Гулом кўчалари, Қорақамиш 1/1, 1/2, 1/3 турар жой даҳаси.

«Чилонзор» 5-ИМ — 23 сентябрдан 27 сентябргача.

Чилонзор даҳасининг 5-12-, Ц, 16-20, 20 А, 26-мавзелари, Оқтепа турар жой даҳаси, Роҳат, С.Мирахмедов, Наққошлик, Новза-Қозиробод кўчалари.

«Жанубий-Ғарбий» 6-ИМ — 9 сентябрдан 13 сентябргача.

Қўйлиқ-1-7, Қўйлиқ — Обводная турар жой даҳалари ҳудуди, Мунис, Янги замон, Ҳ.Олимбеков, Бехтерев, А.Фитрат кўчалари.

Авиақурувчилар 7-ИМ — 9 сентябрдан 13 сентябргача;

«Авиақурувчилар» шаҳарчаси ҳудуди, Гўзал—1, 2, 3, 4, 1-уйсозлик комбинати, Слоним-1, 2-турар жой даҳалари ҳудуди, Слоним, Лисунов бирлашган Шолохов кўчалари.

Сергели 8-ИМ— 16 сентябрдан 22 сентябргача;

Сергели—1, 8А, Спутник-8, 15, 16, 17, Дўстлик-1, 2-турар жой даҳалари ҳудуди.

«Янги Чилонзор» 9-ИМ — 7 октябрдан 11 октябргача;

Чилонзор даҳаси 13-15, 21, 24, 30, 31 мавзелари, Қизил Шарқ, Ал-Хоразмий 1,2, Бешқайрағоч турар жой даҳалари ҳудуди, Х.Турсунқулов кўчаси.

«Шимолий -Ғарбий» 10-ИМ — 7 октябрдан 11 октябргача;

Шифокорлар шаҳарчаси, Олимпия, Талабалар шаҳарчаси, Тансиқбоев-1, 2, 3.

Қорақамиш — 2/2, 2/3, 2/4, Белтепа, Ибн Сино 1, 2 турар жой даҳалари ҳудуди, Мирза Ғолиб, Мухбир, Чимбой кўчалари,

Иссиқлик электр маркази — 7 октябрдан 11 октябргача;

Ш.Рашидов шоҳкўчаси ҳудуди, Марказ-7, Мукимий, Арнасой, Ш.Исломов, Аския, С.Мирахмедов, Бобур, У.Носир, Афросиёб кўчалари, Чилонзор даҳасининг 1, 2, 3, 4 Е, И мавзелари, Бошлиқ, Қушбеги, Авиашаҳарча турар жой даҳалари ҳудуди, Бобур, Нукус, Глинка, Т.Шевченко, А.Тўқай, А.Темур, Локомотив, Х.Умаров кўчалари, Қашқар, Қиёт мавзелари.

Иссиқлик манбалари фаолияти тўхтатилган пайтда уларнинг юқорида кўрсатилган ҳаракатлари йўналишлари бўйича иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

Тошкент шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари, корхона, ташкилот, муассасаларининг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб почта конвертларига доир янги «ГОСТ 12-27»ни жорий қилди. Улар фақат почта корхоналарида сотилади.

Ностандарт конвертлардаги хат ва бошқа почта жўнатмалари орқасига қайтариб юборилади.

«Тошкент почтамти» акциядорлик жамияти маъмурияти.

Сўранг, жавоб берамиз

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида маълумот бергансиз.

Н.Усмонова

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳ ҳали ёшига етмай никоҳга кирган шахснинг манфаатлари талаб қилган ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахс, унинг ота-онаси ёки ҳомийси, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда прокурор талаб қилишга ҳақлидир.

Иш судда ҳал қилиниш пайтигача эр ёки хотин никоҳ ёшига етган бўлса, никоҳ фақат унинг талаби билан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр-хотиндан бири никоҳ ёшига етмаганлиги туфайли никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш, агар эр-хотин (улардан бири) иш судда кўрилаётган пайтда никоҳ ёшига етмаган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг иштирокида кўриб чиқилади.

* * *

Мен вояга етмаган фарзандим учун алимент тўлаб келмоқдаман. Ҳозир янги оилам билан яшаётганимга бир неча йил бўлди. Орамизда бир фарзандимиз бор. Моддий аҳволимизни ҳисобга олган ҳолда алимент миқдорини камайтирса бўладими?

К.Халимов

Ҳа, бўлади. Алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қоладиган бўлса, шунингдек алимент тўлаётган ота (она) ногирон бўлиб, алимент жиҳатдан қийналиб келаётган бўлса ёки алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин.

Агар вояга етмаган бола давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида бўлса, суд алимент тўлаётган ота ёки онанинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, тўланаётган алимент миқдорини камайтириши ёки уни алимент тўлашдан озод қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин. Сиз ҳам шундай тартибдан фойдаланишингиз мумкин.

* * *

Менинг айрим қариндош—уруғларим Хитойнинг Ғулжа шаҳрида яшайдилар. Уларнинг маълум қилишларича ота-буваларим яшаган уй-жойдан мерос олиш ҳуқуқим бор эмиш.

Айтингчи мен даставвал қаерга мурожаат қилишим керак?

М.Юсупхўжаев

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1199-моддасида кўрсатилишича қўзғалмас мулк юзасидан мерос ҳуқуқининг очилиши мулк жойлашган мамлакат қонунқоидаларига асосан белгиланади.

Бу масалада сиз Хитой Республикасининг Ўзбекистондаги (Тошкент шаҳридаги) ваколатхонасига мурожаат қилишингиз мумкин.

* * *

Мен умумий касаллигим бўйича II-гуруҳ ногирони ҳисобланаман. Давлат корхонасида хизматчиман. Менга 18 иш кунидан иборат меҳнат таътили берилди. Шу тўғрими?

Н.Қосимова

Йўқ, нотўғри. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 135-моддасида йиллик узайтирилган асосий таътиллар аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра ишлаётган I- ва II-гуруҳ ногиронларига ўттиз тақвим кунидан иборат таътил кунлари берилади.

Сиз ҳам шундай тартибдан фойдаланишингиз лозим.

* * *

Овқатларга зиравор сифатида солинадиган сирканинг тайёрланиши ҳақида маълумот беринг.

Ш.Илҳомова

Ушбу суюқликнинг тайёрланиши қуйидагича: истеъмолга яроқсиз узумларни сирли хумчага шингил-шингили билан солиб борилади ва устини дока билан ёпиб, қоронғу жойга бир мавсум тиндириб қўйилади. Идишга пича ачитқи, яъни эски сиркадан қуйиб қўйилади. Узум ачиб-бижғиб «қайнай бошлайди». Кузга бориб уни эзиб, шарбати 3-4 марта сузилади-да, тоза шишаларга қуйиб, оғзи маҳкам беркитилади. Бу қизил сирка бўлади.

Қизил узум сиркаси пазандаликда палов, манти ва бошқа овқатларнинг юзига севалаб ёйиш, кабоб гўштини сиркалаш (мариновкалаш) учун ҳамда бадҳазм овқатларнинг тез ҳазм бўлиши учун қўлланилади. Оқ сирка эса консерва саноатида сабзавотларни сиркалаш, сиркаланган селёдка балиқ тайёрлаш ишларида қўлланилади.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш зарурки, сиркани кўп истеъмол қилмаслик лозим. Шу сабабли нордонлик даражаси 5,5 фоиздан ортиқ бўлган сирка санитария қоидалари бўйича маън қилинади.

Жавоблар ҳуқуқшунос Абдужалил ҲАСАНОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Одобсизлик оқибати

Сешанба куни кеч соат бешларда Мустақиллик майдони бекатидан «Олой» бозори — Эркин йўналиши бўйлаб қатновчи 57-автобусга чиқдик. Машина салонида йўловчилар сайрак бўлса-да лекин барча ўриндиқлар банд эди. Қарама-қарши ўриндиқлардан жой олган 15-16 ёшлар чамасидаги икки қиз бизни кўриши билан ўзаро суҳбатга тушиб кетди. Орқа ўриндикда ўтирган ҳомиладор аёл чидаб туролмади.

— Келинг, отахон, мана бу ерга ўтира қолинг.

— Эътиборингиз учун минг раҳмат синглим. Оғир оёқли экансиз жойингизга ўтираверинг. Мен бироз тек кетсам ҳеч нарса қилмас.

Бу томондаги кексароқ киши илтифот қилди.

— Бу ёққа келинг бўлмаса.

— Сизни безовта қилиш инсофдан бўлмас биродар. Ўтираверинг. Ахир сиздан кўра ёшроқлар ҳам борку.

«Қизим сенга айтаман келиним сен эшит» қабилидаги бу сўзимиз ҳам дугоналарга заррача таъсир қилмади.

Навбатдаги бекатда яна бир неча йўловчилар автобусга чиқишди. Уларнинг аксарияти ҳам қариялар эди. Ўриндиққа маҳкам жойлашиб олган ҳар иккала қиз атрофга кўз қирини ташлаб олиб бепарво суҳбатни давом эттиришарди. Тўрт бекат оралаб ўтгач машина салони йўловчилар билан лиқ тўлди. Улар орасида болали аёллар ҳам бор эди. Қизлар эса ҳеч нарса кўрмагандек ўтиришар, ўзаро пичирлашиб хиринг, хиринг кулиб қўйишарди.

Бир йигит уларнинг бу қилиғига чидаб туролмади шекилли жаҳл билан ўшқирди.

— Қани турларинг ўринларингдан. Шунча қариялар тепангда тик турса-ю сенлар уларга жой бўшатиш ўрнига хиринглаб ўтирсаларинг.

— Вой сиз қанақа аёллари бўласиз, у киши менга ҳали уйланмаганман деган эдилар-ку. Ҳали мени алдаб, лақиллатиб юрган эканларда, — деган зардали жавобни қайтарибдида, гўшакни жойига қўйибди.

Ишдан келсам хотинимнинг авзойи бузуқ. Нуқул қитмир гап қилади, йиғлайди. «Гапир, нима ўзи», десам у:

— Кимни лақиллатиб юрганлигингизни биларсиз ахир, — дейди.

Охири масаланинг тагига етгач аёлимга ётиғи билан тушунтирдим. «Ҳаммаси ёлғон, адашиб бегона жойга тушиб қолган бўлса керак, ўша аёл» десам ҳам кўнмади. Биласиз, ишдан чарчаб келган одамни арзимас гапдан асаби бузилади. Чидаб туролмай умримда қилмаган ишни қилдим. Уни бўралаб сўкиб, тарсакилаб юбордим. Шундан кейин аёлим жаҳл билан уйдан чиқиб кетди.

— Хўш, энди нима қилмоқчисан, ёлғиз ўғлинг билан ўтираверасанми? Шундай экан, ярани газаклатмай хотинингни олдига бориб бор ҳақиқатни тушунтирмайсанми.

Бобуржон жилмайиб қўйди.

— Ҳозир ўзи келиб қолади.

Унинг ишонч билан айтган гапига ҳайрон бўлиб сўрадим. Кейин у қула-қула шундай деди.

— Гапнинг қизиғини энди эшитинг. Кеча кечки пайт телефон жиринглаб қолди. Кўтарсам ундан бегона аёлнинг зардали овози эшитилди.

— Менга Бобур ака керак.

Ўша ойимча эканлигини дарҳол тушундим.

— Мен эшитаман.

— Вой бу ким?

— Сиз сўраган Бобур акангизман.

— Кечирасиз, бошқа жойга тушиб қолдим шекилли. Менга бошқа Бобур ака...

— Синглим, тунов куни ҳам қўнғироқ қилган сиз эдинг.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

Қизлар норози қиёфада йигитга қарашди.

— Сизнинг нима ишингиз бор.

Иккинчиси эса русчалаб бир нарсалар деб тўнғиллади.

— Болам, қўйинг асабингизни бузманг. Ўзида инсоф бўлмагандан кейин қийин эканда, — деди кекса йўловчилардан бири йигитга тасалли бериб.

— Мана жой керак бўлса ўтиринглар, — дея қизлар тарс-турс ўринларидан туриб навбатдаги бекатда машинадан тушиб кетишди. Кейин бояги йигитними ё бошқа бировними масхара қилгандек лаб буриб башараларини бужмайтириб қўйишди.

— Падарингга лаънат.

Кимнингдир айтган бу гапи дилимни баттар ранжитди. Шу тобда мен ўзига ортиқча эрк берган одобсизлиги билан ота-онасига лаънат келтирган қизларнинг айбсиз айбдор падарларига ачинардим.

Санамай саккиз деманг

Марҳум дўстим Салимжоннинг ўғли Бобуржоннинг оиласи бузилганлигини эшитиб уларникига йўл олдим. Эшикни беш-олти ёшлар чамасидаги болакай шошилиб очдию кутмаган одамини кўриб сўлғин нигоҳда менга тикилди.

— Ўйда ким бор?

— Адамлар...

Ҳовлига киришим билан Бобуржоннинг овози эшитилди.

— Эй келинг, отахон, бормисиз. Қайси шамол учирди?

— Нохушлик шамоли. Эшитмаганмисан бўтам, «сен тинч, қўшнинг тинч» деган эканлар машойихлар.

Омонлаша туриб айтилган бу гапдан Бобуржоннинг чеҳраси ёришди.

— Қани, айвонга марҳамат бобо, — дуои-фотиҳадан сўнг деди. — Бу аломат гапларни сиз ҳам эшитибсизда.

— Нима жин урди сени ўғлим, — дейман унинг бемаврид кулгисидан ҳайрон бўлиб.

— Ҳаммасига мана бу телефон сабаб, — Бобуржон ёнида турган телефон гўшагини кўтариб тарақлатиб жойига қўйди.

— Қани эшитай.

— Кечки пайт телефон жиринглабди. Аёлим шошилиб келиб гўшакни кўтарса ундан бир аёлнинг «Бобур акам уйдамилар?» деган нозли овози эшитилибди. Хотиним:

— Нима гапингиз бор эди. Ҳали ишдан келганлари йўқ. Гапингиз бўлса айтаверинг мен у кишининг аёллари бўламан, — деган экан у ойимча:

— Ойимнинг нима ишингиз бор.

Иккинчиси эса русчалаб бир нарсалар деб тўнғиллади.

— Болам, қўйинг асабингизни бузманг. Ўзида инсоф бўлмагандан кейин қийин эканда, — деди кекса йўловчилардан бири йигитга тасалли бериб.

— Мана жой керак бўлса ўтиринглар, — дея қизлар тарс-турс ўринларидан туриб навбатдаги бекатда машинадан тушиб кетишди. Кейин бояги йигитнимми ё бошқа бировними масхара қилгандек лаб буриб башараларини бужмайтириб қўйишди.

— Падарингга лаънат.

Кимнингдир айтган бу гапи дилимни баттар ранжитди. Шу тобда мен ўзига ортиқча эрк берган одобсизлиги билан ота-онасига лаънат келтирган қизларнинг айбсиз айбдор падарларига ачинардим.

Бахтли болалик

Тунов куни набирамни олгани боғчага бордим. Ҳаммаёқ озода, саранжом-саришта.

Набирамни сўраб-суриштирган эдим хизматчилар:

— Шу ерда, юринг бобо, ичкарига киринг, — дея қўярда-қўймай катта хонага бошлаб кетишди. Кенг ва ёруғ залда бир гуруҳ қувноқ кичкинтойлар турли хил қўғирчоқлар билан «тиллашиб» ўйнашиб ўтиришарди. Йўлбарс, филча, қучукчаю мушукчалар шунчалик кўпки қараб кўзингиз қамашади. Уларга ҳавас билан тикила туриб эсимга ёшликдаги бир воқеа тушиб кетди.

Оғир йиллар эди. Отам билан онам сахар туриб ишга кетишар, биз акам билан улар қолдирган «насиба»ни баҳам кўрардикда, уй ва ҳовлиларни супуриб-сидиришга тушардик. Ҳаммаёқни тартибга келтириб бўлгач севимли машғулотимиз— лойдан турли ўйинчоқлар ясашга киришардик.

Бир куни акам менга каттагина тойча ясаб берди. У менга жуда-жуда ёқиб қолдики, қўлимдан қўймадим. Кечаси ётар чоғимда уни бош томонимга олиб келиб қўйдим.

Эрталаб кўзимни очсам тойча йўқ. У тонгги шабнамда уваланиб, бурдаланиб кетибди. Бир йиғладим, бир йиғладим. Ўша куни акам бир нечта тойчалар ясаб берди. Лекин ҳеч бири кечаги мен ёқтирган тойчага ўхшамади...

Айни дамда бир-биридан чиройли қўғирчоқлар даврасида шўх-хандон, ўйнаб-кулиб ўтирган кичкинтойларни кўриб, беихтиёр хаёлимга «нақадар бахтлисиз болажонлар», деган сўз такрор-такрор келаверди.

«02»: ҲОДИСАЛАР

● Кўпчилик қатори ҳалол меҳнат қилиб, кун кечиришни истамайдиганлар тоифасига кирувчи Юнусобод туманининг Гуллола кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган И. Акмал исмли кимса спиртли ичимликка тўйиб олиб, «Наргиза» кафеси олдида бораётган, Қибрай туманида истиқомат қилувчи фуқаро Л.Михайлованинг йўлини тўсиб, унга нисбатан куч ишлатиб, бўйнидаги нархи 347.000 сўмда баҳоланувчи тилла занжирини юлиб олиб, қочиб кетади. Кутилмаганда талончининг ҳамласидан қаттиқ ҳаяжонга тушиб, ўз буюмидан ажралиб қолган жабрланувчи шу заҳоти милиция сим қоқади. Воқеа жойига қисқа фурсатда етиб келган тезкор гуруҳ аксаллари жиноятчини узоққа кетмасиданоқ қўлга олишга муваффақ бўлдилар. Ҳозирда у ўз қилмиши учун жавоб бермоқда.

● Миробод тумани ИИБ навбатчилик қисмига Фетисов кўчасида жойлашган 553-болалар боғчасида ўғирлик жинояти содир этилганлиги тўғрисида хабар келгач, бу ерга зудлик билан тезкор гуруҳ жўнатилди. Милиция ходимларининг суриштирувлари ва изланишлари натижасида айбдорнинг ким эканлиги аниқланди. Болажонларнинг риҳ-насибасига кўз олайтирган, аввал ҳам судланган Сарикўл кўчасида яшовчи П.Александр 13 килограмм гўшт ва 32 банка куюлтирилган сутни ўғирлаб кетганлигини бўйнига олиб,кўзларини ердан узолмай уялиб қолди.

● Баъзи ҳолларда Ички ишлар ходимларининг хизматлари давомида айрим жиноятларни ўрганиб чиқишларида маълум чигалликлар тўсқинлик қилиб, уларнинг ечимини тоқ бирмунча мушкул бўлади. Айниқса, жиноятчилар яшириниб улгуришган вазиятларда изкуварларнинг бутун тажриба ва билимларини ишга солиб изланишларига тўғри келади. Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган «Энергетика ва автоматика» муассасасининг АТСида содир этилган ўғирлик жиноятини очиш ҳам дастлаб осон бўлмади. Аммо ўз касбининг моҳир усталари саналган милиция ходимлари айбдорларни топишга эришдилар. Шундай қилиб, қўлга тушган Чилонзор-11 мавзесида яшовчи, бирон жойда ишламайдиган Р.Дмитрий ва Хумоюн кўчасида истиқомат қилувчи унинг ҳамтовоғи К.Равиль исмли кимсалар бу ердан бир дона «МКС» алоқа пружинаси, «ОН» платаси, «УК» бошловчи платаси, «ЕК»сигнал платаси, «Лефетек» калқуляторлари ва яна турли анкомларни ўмариб кетганликларига иқрор бўлишди.

● Сергели тумани, Дўстлик-2 мавзесидаги 23-уйда истиқомат қилувчи Т.Хеннинг онадонида ҳам номаълум шахслар томонидан ўғирлик жинояти содир этилди. Бу ҳақда ИИБга хабар етказилгач, воқеа жойига тезкор-тергов гуруҳи вакиллари етиб бордилар. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида, қисқа вақтлар оралиғида жиноятчи аниқланди. Ушбу онадонга балкон орқали ошиб тушиб, нархи 220 минг сўм турадиган «Самсунг» русумли телевизор ҳамда 260 минг сўмда баҳоланадиган икки дона аёллар ва эркаклар чарм курткаларини ўмарган Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри, 6-кичик туманида яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган С.Абрамнинг қўлларига кишан солинди.

● Қинғир йўллар орқали осонгина бойлик орттириб оламан дея, ҳом хаёллар оғушига берилган яна бир шахс ҳам ҳозирги кунда ўйламай босган қадамидан қаттиқ афсус чекиб ўтирибди. Аввал ҳам содир этган қонунбузарликлари туфайли судланиб чиққан бўлса-да, аммо ҳанузгача тўғри йўлни танламаган Бектемир тумани, М.Авезов кўчасида яшовчи А.Маъмур деган бу кимса, Хусайн Бойқаро кўчасида жойлашган «Сувсаноатэнерго» корхонасининг қозонхонасидан 70 метр миқдордаги электркабелларини ўмарган экан. Милиция ходимлари уни ушлашгач, далилий ашёлар ҳам тезда топилди.

● Жамиятимизда фирибгарликни ўзига касб қилиб олган айрим нопок кимсалар афсуски ҳамон учраб туради. Чилонзор тумани, Ўсмур кўчасида яшовчи ҳеч жойда ҳалол меҳнат қилиб, кун кечиришни ҳоҳламайдиган К.Валентина исмли аёлнинг ўйлаб топган ҳийласи жуда ошиб тушди. Чунки унинг найрангларига ишониб, йиққан-терган маблағларини олиб бориб тутқазган жабрланувчилар оқибатда бошларини қаерга уришларини ҳам билмай, қийин аҳволда қолдилар. Маълум бўлишича, Навоий кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро И.Афанасьевага ўз уйини сотган К.Валентина ҳали ҳужжатларини расмийлаштирмай туриб, Сувчи даҳасида яшовчи Н.Осиповани ҳам лаққа тушириб, ушбу уйини ишончнома ёрдамида яна такрор пуллаб юборади. Туман Ички ишлар ходимлари ҳозирда бу фирибгар устидан тергов ҳаракатларини олиб боришмоқда.

Самариддин ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази нозири.

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўйланиб доно бўлур...

● Одамнинг одамлиги умид билан. Умидсиз одам — бир қоп эт. Умид парвозга шайланган лочин, умидсизлик — оёққа боғланган тош.

● Ариқнинг ариқлиги сув билан, сувсиз ариқ — ташландиқ чуқур.

● Эл бир кафтдан берса тўйдиради, бир муштдан урса ўлдиради.

● Тўйга кирганнинг олдига кимлигини сўрамаса ҳам ош тортишади. Умид билан кирган одам бенасиб қолмайди.

● Тегирмонга кирганнинг кипригига гард илашади.

● Шалоланинг ёнидан ўтган зарралардан баҳра олади.

Ҳикоят:

Ёши бир жойни қоралаб қолган отахон даштга чиқиб кўчат экаётган экан. Ўша чоғ от миниб олган бир бойвачча ўтиб қолибди. У чолнинг ёшини сўраб: «Тўқсондан ошибсиз, бир оёғингиз тўрда, бир оёғингиз гўрда бўлса, нима қиласиз бунақа уриниб. Ундан кўра тинчгина ўтирсангиз бўлмайдими» дебди. Шунда чол унинг дилини ранжитмай «Умидли дунё болам», деб кўя қолибди.

Чолнинг бу гапини қурумсоқлик, дунёга тўймаслик деб тушунган бояги бойвачча ўйламасдан: «Сиз шуни мевасидан есангиз, мени хотиним талоқ бўлсин», деб оғзига сўз олиб қўйибди. Бу гап чолнинг қулоғига етса ҳам индамабди. Лекин ичида ҳамсухбатининг енгилтаклигига афсус қилибди.

Орадан йиллар ўтибди. Ниҳоллар катта бўлиб ҳосилга кириб, соя-салқин боққа айланибди. Ёз кунларининг бирида бояги бойваччанинг йўли шу томонга тушиб чанқовини қондириш учун боғ эгасини чақириб, бир пиёла сув сўрабди. Шунда бир мўйсафид чиқиб, бойваччани ичкарига таклиф қилиб, олдига баркаш-баркаш ноз-неъматлар — олмаю узум, шафтолию ноклар қўйибди. Аммо ўзи эса нима учундир бу неъматлардан оғзига бир дона ҳам солиб таъти кўрмабди. Бундан ҳайрон бўлган меҳмон бунинг сабабини сўраган экан, шунда чол:

— Бу боғларни мен фақат ўзим учун эмас, ўтган -кетганларнинг оғзи тегсин деб обод қилганман, ўғлим. Лекин ўзим шу чоққача унинг мазасини тотиб кўрганимча йўқ, — дебди.

Бойвачча ҳайрон қолиб, сабабини сўраган экан ота:

— Мен бу меваларни есам, сизнинг хотинингиз талоқ бўлиб қолади, дебди.

Бойвачча йигит чолни танибди. Ўзининг енгилтаклиги, умидсизлик билан яшашнинг нақадар ёмон эканлигидан ҳижолат чекиб пешонасига урибди.

Байт:

Орзу — дараларда кезгувчи оху,
Умид етаклабди тоғлар бошига.
Машаққатга чидаб демасанг ё ху...
Асло етиб бўлмас унинг қошига.

● Камтарлик — кишига зебу-зийнатдир. Кимки соддалиқда, ўзини тута билишда, кишиларга ҳурмат, иззат кўрсатишда, покизалик ва қаноат бобида юксак ахлоқийлик кўрсатса, у одам камтариндир. Бундай фазилатли кишиларга ҳамма эргашади ва тавозе қилади.

● Мартабанг баланд бўлишини тиласанг, камтар бўл. Барчани ўз ҳимматингдан баҳраманд эт. Биласанки уруғ олдин тупроққа аралашиб, сўнг осмону фалакка бўй чўзади.

● Ҳар бир ишни тантанабозлик билан бошлама, унинг хотимаси яхши бўлса шоду-хуррамлик ва тантана қочмайди.

● Бир донишманд ўғлига насиҳат қилиб айтибди:

— Дунё кезиб яхши ёмонни кўриб, илм-фанларни билиб олганда ҳам доно: «Мен илмда зўрман», деб керилмайди, мақтанчоқлик нодонларга хос одатдир. Дононинг зийнати — камтарлик, нодоннинг иллати — манманлик. Заҳисгон қуш ҳар қанча баланд учгани билан лочин бўлмайди, зеро олтин коса синган билан баҳоси камаймайди.

Ҳикоят:

Сойда ўсган тик қамиш олтин буғдойзорга қараб гап қотди:

— Ҳой, бошоқ, ўзинг тилладек яркироқсану, нега энди бош эгиб турасан?

— Хизматдаман, — деди олтин бошоқ. — Бошимда эл дони бор. Ҳаммасини қузда кўрамиз.

Куз келиб одамлар бошоқдан нон тайёрлаб кўзга суртдилар, қаққайган қамишдан бўйра ясадилар.

Байт:

Димоғингни кўтарма, бўлмайин
десанг оёқ ости,
Қамиш кеккайгани учун бўйра
бўлдию, ҳамма босди.

ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

(Давоми. Бош ўтган сонларда)

* * *

Ниҳоятда ғаюр ва рашкчи бир киши бор эди. Хотинларнинг макр-ҳийлаларини кўп ўқиб ўрганган ва турли-туман маҳфий ишларидан воқиф эди. Вақти келиб мазкур киши уйланди. Ҳовлининг деворлари, дарвоза ва томларни бегона киши назари тушмайдиган даражада маҳкамлаб, хотинини маҳбус каби сақларди. Ҳатто, ўзи кўчага чиққанда эшикларни қулфлаб, қулф устидан муҳр босарди. Мана шундай аҳволда кун кетидан ҳафта, ҳафта кетидан ойлар ўтаверарди.

Аммо хотиннинг бир ошиғи бўлиб, у билан кўп вақтлар-

Муҳаммад Авфий

Жавомиъ ул-ҳикоёт

дан буён висол онларидан баҳраманд эди. Улар бир-бирларини қадрлар ва дўст тутардилар. Маъшуқасининг бошига тушган аҳволни кўрган ошиқ йигит, бир кампирнинг олдига бориб, ҳижрон дамларининг бениҳоя шафқатсизлигидан зорланди.

Кампир эл-юрт олдида қўшмачи ва далолликда машҳур эди. Йигит кампирни хотиннинг уйига юборди. Кампир хотиннинг дарвозасига келиб, тирқишдан йигитнинг саломини қизга етказди. Хотин деди: «Эй она, менинг саломимни унга етказ ва дегилким, эй севгилим, мен қаттиққўл кишининг домига дучор бўлдим. Муродим кўзгуси жафо тошига тегиб синди. Қафасга солинган қушнинг учмоққа қандай имкони бўлсин...

Эй она, мен бир ҳийлани ўйлаб қўйдим. Чунончи, бугун кечаси ошиғим сенинг уйингга келиб, эрталабгача мени кутсин, сен эрталаб ўз уйинг олдига кўпроқ сув сепиб, кўчани лой қилиб, менинг ўтишимни кутиб тур!..»

Кампир рози бўлиб уйига қайтди. Хотин кечаси эри билан ҳар хил мавзуларда суҳбат қуриб, шўх мақоллар айтиб эрини ўзига ром қилди. Шундан сўнг, илтифот билан эрига қараб: «Кўп вақтдан буён ҳаммомга боришни орзу қиламан. Агар лутфан ўзинг бирга ҳаммомга олиб борсанг, ювиниб, тоза бўлиб, уйга қайтиб келиб хизматингда бўлсам ёмон бўлмас эди», деди. Эр ўзи бирга бориш шарти билан ижозат берди.

Бомдоддан сўнг, хотин чодирасини ёпиниб, эри билан ҳаммомга йўл олди. Хотин олдинда, эри эса кейинда борарди. Йўл асносида хотин кампир дарвозаси олдидан ўтди. Ваъдага мувофиқ кампир эшик тагига кўп сув сепиб, кўчани лой қилган эди. Хотин лойдан ўтаётиб, қасддан ўзини ерга ташлади. Хотиннинг чодираси ифлос бўлди. Хотин ўрнидан туриб, ҳайронликда эрига боқди; сўнг эрига деди: «Марҳамат қилиб эшик олдида ўтирган кампирдан ижозат сўрасанг, токи уйига кириб, чодирамни ювиб олсам!».

Эр кампирнинг олдига келиб: «Эй момо, бу нима қилганингки, эшигинг тагини бунчалик лой қилибсан. Умум йўлига зиён етказибсан. Энди бир оз сув берсанг, хотиним чодирасини ювиб олса, зиёда лутф қилган бўлардинг», деди. Кампир розилик берди: «Менинг ҳам уйимда хотининга ўхшаган қизим бор. Майли бу ҳам қизимдек нарса, айт, кирсин, чодирасини ювайлик».

Шундан сўнг хотин кампир билан уйга кирди; чодира ва кийимларини ечди. Кампир чодирани ювар, хотин эса ўз ошиғи билан висол лаззатидан баҳра оларди. Эр ҳамон кўча эшикда хотинининг чиқишини кутарди. Ниҳоят, ошиқ-маъшуқлар бир-бирларининг висолларидан комёб бўлдилар. Маккора хотин чодирасини ёпиниб, товуси хиромондек юриб эрининг олдига чиқди. Эр-хотин ҳаммомга бордилар. Хотин ҳаммомда ювинди. Эри ташқарида кутиб ўтирди. Ниҳоят, хотин ҳаммомдан чиққач, яна эру хотин бирга уйга қайтдилар.

Уйга етиб келгач, хотин эрига қараб: «Эй хожа, хотинни қўриқлай олмайсан. Ё мендан умидингни уз, талоқ қил, ёки қўриқлашни бас қил! Сен мени қўриқлашда қанчалик сабот кўрсатмагин, барибир, эпполмайсан...

Зотан ўзинг мени ҳаммомга олиб бординг, бироқ йўлда чодирамни ювиш учун кампирнинг уйига кирдим. Мабодо уйда эркак киши бўлса-ю ва мен билан қўшилса, қаердан билардинг? Шунинг учун ё мени талоқ қил, ёки қўриқлашдан воз кеч!

Чунки мен бу қафасда диққинафас бўлиб кетдим», деди.

Эр оқил киши эди. Билдики, хотини макр ишлатибди. Дарҳол уни талоқ қилди ва шундан сўнг хотинларга ишонмай қўйди.

* * *

Ривоят қиладиларки, араб ҳакимларидан Умар Алтарб ўз фарзандига васият қилиб деди: «Эй фарзанд, нафс балосидан ҳазар қилгин. Нафс кишини ҳалойиқ кўзига душман қилиб кўрсатади ҳамда хавф-хатарга солади. Зотан мол-мулк одамлар кўзида муҳаббат кабидир, одамлар эса унга маъшуқ-дурлар. Чунончи ҳар ким бировнинг маҳбуби ёки маъшуқасига кўз олайтирса, бундай киши одамлар наздида дўст деб ҳисобланмайди».

Ҳаммага маълумки, барча ҳайвонот нафс балоси туфайли овчининг тузоғига илинадилар. Шунинг учун, кимки мазаллат ва машаққатдан халос бўлмоқликни истаса, нафс ўтини қаноат суви билан ўчиргай, токи омонлик топгай.

(Давоми бор.)

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

Бошқотирма



Энига: 5. Хиванинг Ичан қалъа ёдгорлиги таркибидаги XIX аср ўрталарида қурила бошланган меъморлик обидаси. 6. Байрам томошалари. 9.Хўжаликка тегишли мол-мулк. 11.Игна баргли дарахт. 19.Инсондаги ижобий хислат. 21.Пахта уруғи. 22.Х.Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» романи қаҳрамони. 23.Мусиқа санъатини тарғиб қилувчи санъат муассасаси.

Диагонал бўйича ўнгга: 3.XIX асрда яшаб ўтган ўзбек шоири ва ҳаттоти, «Рустам ва Суҳроб» достони муаллифи. 4.Илмий асар тури. -9.Ҳиндистондаги шаҳарга номдош газлама. 10.Букилмас ирода, матонат. 13.Ҳарбий унвон. 15.Ҳар жиҳатдан ўзни тоблаш фаолияти. 16.Масъулиятни зиммага олган ҳолда ишонтириш. 17.Сунъий тола. 19.Спорт-мусобақасининг сўнгги боскичи.

Диагонал бўйича чапга: 1.Поясидан ширинлик олинадиган жануб экини. 2.Суворий. 7.Гўзаллик, чирой. 12.Автомобиль маркаси. 14.Ўзбек халқ достони. 16.Бинокорлик материали. 17.Европадаги энг кичик давлат. 18.Тирик организмни ўрганувчи фан. 20.Сопол идиш.

Бўйига: 8.Амалий санъатнинг ўйиб ёки бўёқ билан безак чизиш соҳаси.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

Газетанинг шу йил 23 август сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 2. Кўкалдош. 4. Шайхзода. 5. Санскрит. 8. Гётеборг. 9. Тафаккур. 12. Косеканс. 15. Киловатт. 16. Анаконда.

Ёйлар бўйича: 1. Олой. 3. Кюри. 6. Занг. 7. Корт. 10. Банк. 11. Кўшк. 13. Санд. 14. Тола.

Шакл атрофида занжир ҳолида: 17. АҚиқа. 18. Афина. 19. Арафа. 20. Ака. 21. Азиза. 22. Ашула. 23. Айова. 24. Аккра. 25. Альфа. 26. Адана. 27. Ана. 28. Арава. 29. Аорта. 30. Аната.

Муаммонома

Очқич сўзлар: 1. Беруний. 2. Ядро. 3. Сўроқ. 4. Хом ашё.

Ҳикмат: Дунёда одобдай яхши мерос йўқ.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эътиқодлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-809. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 13.00 1 2 3 4 5 6